

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТА “ЖАХОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

АБДУКАРИМОВ САРДОРНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА РОССИЯДА САНОАТ
ТЎНТАРИЛИШИ**



Илмий раҳбар:
Ўқитувчи А.А.Бийкузиев

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА.

1. БОБ. XIX АСРНИНГ 50 ЙИЛЛАРИДА РОССИЯДА САНОАТ ТЎНТАРИЛИШИНING БОШЛАНИШИ ВА УНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.

1.1. Россия империясида саноат инқилобининг дастлабки шарт-шароитлари.

1.2 Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ялпи машиналаштиришга ўтиш ва оғир саноатни техник жиҳатдан тартибни ўзгартиришни кучайтириш.

2. БОБ. XIX АСРНИНГ 60-70 ЙИЛЛАРИДА САНОАТ ТЎНТАРИЛИШИ РИВОЖЛАНИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА XIX АСРНИНГ 80-90 ЙИЛЛАРИДА УНИНГ НИҲОЯСИГА ЕТИШИ.

2.1. Транспорт инқилоби муаммолари.

2.2. Тўқимачилик фабрика саноатининг мустаҳкамланиши ва оғир саноат қайта қурилиши муаммолари.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати.

КИРИШ.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, XIX асрнинг ўрталарида Россия империяси Ўрта Осиёни ва шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирувчи ерларни истило қилди. Аммо бу истилолар шунчаки сиёсий ва ҳарбий ҳаракатлар бўлибгина қолмасдан, мазкур истилоларнинг асл туб моҳияти, иқтисодий мақсадларни кўзлаб амалга оширилган ҳаракатлар эди¹. Айнан XIX асрнинг ўрталарида Россия империясининг Ўрта Осиё ҳудудини босиб олишга бўлган интилиши сабабларини тушуниш учун мазкур даврнинг иқтисодий, энг аввало саноат ривожланиши тарихини ўрганиш зарур. XIX асрнинг ўрталарига келиб Россия иқтисодиётида ишлаб чиқариш кучларида кескин ўзгариш ясаган саноат инқилоби муҳим аҳамият касб этди. Бу тарихий жараён улкан ишчи кучларини умумлаштириш билан машиналаштирилган-фабрика тизимини жорий қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек, “Тарих-бу халқнинг маънавий асосидир”². Россияда саноат тўнтарилиши тарихини ўрганар эканмиз, нафақат мазкур мамлакат тарихидаги муҳим даврни англашимиз мумкин, балки Ватанимиз – Ўзбекистон Республикаси тарихини яхшироқ тушунишимиз мумкин.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. XIX асрнинг ўрталарида Россияда саноат инқилобининг бориши ва унинг натижаларини ўрганиш мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган мақсадлардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ифодалаб бериш:

- XIX асрда Россияда саноат инқилобининг асосий дастлабки шарт-шароитларини ўрганиш;
- тўқимачилик ишлаб чиқарилишида ялпи машиналаштириш жараёни қандай амалга оширилганлигини кўриб чиқиш;
- оғир саноатда техник тартибни қайта ўзгартиришни кучайтириш жараёнларини ёритиб бериш;
- транспорт инқилоби муаммоларини аниқлаш;
- тўқимачилик фабрика-саноати кучайиши қай тартибда амалга оширилганлигини тадқиқ қилиш;
- оғир саноатни қайта ўзгартиришда қандай муаммоларга дуч келганлигини кўриб чиқиш.

¹ О экономических предпосылках завоевания Средней Азии в частности см.: Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857-1868). М., 1960.

² Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Асарлар. Т.: Ўзбекистон, 1999. Т. VII. С. 140.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. XIX асрда Россияда саноат инқилоби мазкур тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

XIX асрда Россия саноатининг турли тармоқларида машиналаштиришнинг объектив қонуниятларга асосланганлиги ва унинг бориши тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методлари. Мазкур тадқиқот ишини ёзиш жараёнида, мақсад қилиб қўйилган барча вазифаларни тўлиқ бажариш учун, талаб қилинган барча жараёнларни кўриб чиқиш ҳамда тарихий воқеаларнинг сабаб-оқибатларининг боғлиқлиги ва асосий ривожланиш босқичлари аниқланганидан кейин, тарихийлик, объективлик, тизимлилик каби асосий услубий тамойилларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида қамраб олган ижтимоий шароитлар ва хулосалар ўрганилди ҳамда улардан фойдаланилди. Тарихий маълумотларни, далилларни, воқеа ҳамда ходисаларни ёритишда мантиқий умумлаштириш ва тарихий таққослаш тамойилига асосий эътибор қаратилди.

Тадқиқотнинг даврий чегараси XIX асрнинг иккинчи ярми даврини ўз ичига олади.

Асосан Россия империясининг европа қисми ҳудуди ва Ўрол региони тадқиқотнинг **жўғрофий чегарасини** қамраб олади.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур битирув малакавий иши кириш, иккита боб, тўртта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатидан ташкил топган.

1. БОБ XIX АСРНИНГ 50 ЙИЛЛАРИДА РОССИЯДА САНОАТ ТЎНТАРИЛИШИНING БОШЛАНИШИ ВА УНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.

1.1. Россия империясида саноат инқилобининг дастлабки шарт-шароитлари.

Саноат инқилоби XVIII асрнинг охири чорагида Англияда бошланди ва XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европа ва Америка мамлакатларининг барча худудларини эгаллаб, кенг хусусият касб эта бошлади.

Россияда бу тарихий даврда янги капиталистик муносабатларнинг етилиши кучайиб борди. Мазкур жараёнлар ижтимоий меҳнат тақисмоти ва ички бозорнинг ўсиши, дастлабки сармоя тўпланишининг кучайиши натижасида ерсиз деҳқончилик саноатининг кенг кўламда ёйилиши, капиталистик мануфактураларнинг ривожланиши, савдо-саноат шаҳарлари ва қишлоқларининг ўсиши, халқаро савдо муносабатларининг мустақамланиши каби чуқур сабаблар натижасида юзага келди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Россияда феодализм муносабатларининг парчаланиши ва капиталистик тузумнинг ривожланиши жараёни, мамлакатнинг ҳудудий кўлами бўйича турли-туман ижтимоий-иқтисодий шароитларни ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзига хос хусусиятларини юзага келтирган кескин ва қарама-қарши хусусиятларни ўзида акс эттирди. Капитализмнинг ривожланиши капиталистик мануфактура ишлаб чиқаришнинг энг муҳим асосий шакли бўлган саноат соҳасида бирмунча аниқ намоён бўла бошлади. Саноатнинг етакчи соҳаларида ёлланма меҳнат кучидан фойдаланувчи илк капиталистик фабрикаларнинг пайдо бўлиши учун ижобий замин юзага келди³.

XIX асрнинг иккинчи чораги Россия тарихига саноат ва транспортнинг етакчи соҳаларида саноат инқилобининг дастлабки шарт-шароитлари юзага келиши босқичини яқунловчи машинада амалга ошириладиган ишлаб чиқаришни жорий қилишга тайёргарлик кўриш даври сифатида кирди⁴.

XIX асрнинг иккинчи чорагида Россияда асосан деҳқончиликдан саноатнинг бўлинишида аниқ ўз аксини топган, саноат ва деҳқончилик худудларининг аниқ чегараланиши, соҳа бўйича ишлаб чиқаришни махсуслаштириш, аҳоли ишбилармонлигининг кучайиши ва саноат шаҳарларнинг ўсиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий меҳнат тақсимотининг

³ Хромов Н. А. Экономическое развитие России в XIX – XX веках (1800 - 1917). М., 1950. С. 15.

⁴ Барышников М. Н. История делового мира России. М., 1994. С. 27.

ривожланиши ички бозорнинг ривожланиши ва кенгайишининг энг муҳим омилларидан бири бўлди.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши худудий меҳнат тақсимотининг ўсишида аниқ ифодаланди. Бу меҳнат унумдорлигининг ўсишига сабаб бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги доирасида худудлараро махсуслаштиришнинг чуқурлашувида ўз аксини топди. Охир-оқибат эса, Россия халқ хўжалигининг барча етакчи соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқариш қобилятининг кучайишига ва бу жараёнлар натижасида товар ишлаб чиқариш улуши ортиб, бутун Россия ички бозори ҳажмининг ошишига олиб келди. Ўз навбатида ягона ички бозорнинг ташкил топиши мамлакатнинг иқтисодий потенциални ошириш учун унинг моддий ва табиий ресурсларини муваффақиятли сафарбар қилишга ёрдам берди. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашувини кучайтирди ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишини барқарорлаштирди⁵.

Деҳқончиликдан саноатнинг бўлиниши жараёни ислоҳатдан олдинги қишлоқ жойларида ҳам яққол пайдо бўла болади. Ҳунармандчиликдан ўсиб чиқувчи майда деҳқончилик саноати кенг кўламда ёйилди. Капитализмнинг вужудга келиши жараёнида деҳқончиликка оид бўлмаган саноатнинг ўсишига, XVIII асрнинг охирларида деҳқон ва давлатга қарашли бўлган қишлоқларда пул оброк тизими айниқса катта таъсир кўрсатди ва уларнинг кейинги ривожланиши учун кучли омил бўлди⁶.

Умумроссия бозорининг ўсишига путур етказувчи ижтимоий меҳнат тақсимотининг ўсиши, феодал-деҳқон хўжалигининг худудий яққаланишига путур етказиб, унинг товар-пул муносабатларига салбий таъсир кўрсатди. Саноат шаҳарлари ва қишлоқларининг ўсиши билан, саноати тараққий этган шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёжи тобора ортиб борди.

Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ислоҳатгача бўлган Россияни дунё капиталистик бозори тизимига янада кўпроқ жалб қилди. Мамлакат иқтисодиёти учун ташқи савдо янги мазмун ва моҳият касб эта бошлади. Ғалла Россия экспортининг асосий тармоғини ташкил қила бошлади. XIX аср ўрталарига келиб Россия Европа бозорига ғалла етказиб берувчи асосий таъминотчилардан бири бўлди. Айниқса 1846 йилда Англияда инглиз бозорига ғалла олиб киришни таъқиқловчи, ғаллага оид қонунлар бекор қилиганидан кейин, Россиядан ғалла экспорти шиддат билан ўсди⁷.

⁵ Бовыкин В.И. Формирование финансового капитала в России: Конец XIX - 1908 г. М., 1984. С. 29-30.

⁶ Проблемы социально-экономической истории России. М., 1971. С. 48-49.

⁷ Вопросы истории России XIX – начала XX века. Межвузовский сборник. Л., 1983. С. 126-128.

Дехқонлар меҳнاتини яна ва яна чексиз эксплуатация қилишнинг хаддан ташқари кучайиши катта ер хўжалиги кирими ўсишининг асосий манбаи бўлди. Қора тупроқ ҳудуди катта ер эгалари дехқонларнинг экин экиладиган ер майдонларини қисқартириб, ўзларига тегишли ерларга баршчинани кескин кенгайтира бошладилар.

Дехқонларни мажбуран еридан маҳрум бўлишига қадар дехқонлар чек ерларининг (инқилобдан илгариги Россияда дехқон хонадонига давлат ёки катта ер эгалари томонидан турли шартлар билан берилган ер парчаси) қисқариши билан бир вақтда, феодал-крепостнойлик эксплуатацияси кучайишининг бир талай шакли дехқонларнинг оммавий равишда хонавайрон бўлишига олиб келди. Катта ер эгаллиги хўжалигининг маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятининг кучайиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг шиддатли ривожланиши, техника ва меҳнат унумдорлигининг яхшиланиши ҳисобига эмас, феодал иқтисодиётининг асоси - майда дехқон хўжалигини барбод қилиш йўли билан олиб борилди. Катта ер эгалари феодал эксплуатациясини кучайтириш ва чек ерларни имкон қадар энг паст даражагача камайтириш билан дехқонларни аслида ҳамма нарсасидан маҳрум бўлган қарам дехқонларга айлантриб, майда ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилди. Катта ер эгалари томонидан дехқон хўжалигини оммавий равишда хонавойрон қиилиш жараёнининг мазмуни, ислоҳатдан олдинги даврда датлабки сармоя тўпланишининг аниқ хусусиятларини ўзида акс эттирди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари яъни дехқонлардан ерларни мажбуран тортиб олиш барча жараёнларнинг асосини ташкил қилди. Шак-шубҳасизки, ислоҳатдан олдинги Россияда илк жамғарма жараёни Англиядагидек дехқонларни батамом ердан маҳрум қилган намуна бўла олмайдиган шаклни ўзида намоён қилди. Аммо мазкур вазиятда бу Ғарбий Европанинг қатор мамлакатлари учун хусусиятли бўлган илк жамғарма жараёнининг дастлабки босқичи бўлди⁸.

Ислоҳатдан олдинги Россияда капитализмнинг ривожланиши дехқон қишлоқларида патриархал-натурал тартиботини барбод қилиб, ишчи кучларга катта эҳтиёжни талаб қилди. Дехқонларнинг ишлаб чиқарувчи воситаларидан қисман маҳрум бўлиши ва кам ерлик ҳамда қишлоқ жойларда аҳолининг зичлиги ўсиши шароитларида саноат корандаларнинг шиддатли ўсишини чақирди. Россиянинг марказий саноат вилоятларида бу бир мунча кўпроқ ривожланди.

Мамлакат етакчи саноат марказларининг ривожланишида катта роль ўйнаган марказий-саноат вилоятларидан бўлган дехқон-корандаларнинг

⁸ Очерки экономической истории России первой половины XIX в. Под ред. М. К. Рожковой. М., 1959. С. 86-87.

асосий оммаси Москва ва Петербург шаҳарлари томон йўл олдилар. 1841 йилда четдан келган деҳқон-корандалар Петербург аҳолисининг 46 %ини ташкил қилдилар⁹.

Саноат корандалари деҳқонлардан зироатчиликни тортиб олишда ва ёлланма ишчи кучини тўлдириш жараёнида катта роль ўйнадилар. Корандачилик деҳқонларнинг ижтимоий табақаланиш жараёнини кучайтирди. Корандалар оммаси орасидан аста-секинлик билан унча катта бўлмаган олиб сотарлар, пудратчилар, савдогарлар ва бошқа шахслар кўринишида ёлланма меҳнатни тадбиқ қилувчи ва кўпинча катта сармоя жамғарувчи бадавлат “хўжайин” табақалари ажралиб чиқди.

Феодал жамияти синфи каби крепостной деҳқончилик инкирозга юз тутиши билан мулкый тенгсизлик ҳаддан ташқари кучайиб кетди. Мазкур жараёнларнинг шиддатли шакллари қора ер саноат губернияларида эмас, айниқса пойтахт яқинларида, кўпинча дарё магистралида, капиталистик бозор билан боғлиқ порт шаҳарларда қарши олинди. Натижада корандалик ишчи кучи бозорини юзага келтирди ва аҳоли савдо-саноат қатламининг шаклланиши учун асосий таянч бўлиб хизмат қилди¹⁰.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Россияда деҳқончилик саноатининг шиддат билан ўсиши, крепостной тўсиқларга қарамасдан капиталистик корхоналарни ташкил қилишда асосан ёлланма меҳнат кучидан фойдаланиш тенденцияси билан хусусиятланади. Бу дастлабки деҳқончилик мануфактураларида капиталистик эксплуатация кўпинча ёлланма ишчиларни қарам қилиб олиш крепостной шакли билан ҳамоҳанг бўлди.

Крепостной қишлоқларда капиталистик муносабатларнинг ривожланишида савдо сармоя капитали муҳим роль ўйнади. Бозорларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш қийинчилиги товар олиб сотувчиларнинг таъсирини оширди.

Россияда XIX асрнинг биринчи ярмида ёлланма ишчи кучи бозорининг шаклланиши билан бир вақтда, баъзи корхона эгалари қўлида пул бойликларининг тўпланиши ва бошқа шахслар учун бу тўпланган маблағларни кейинги йирик капиталистик корхоналарга сарфлаш каби дастлабки жамғарманинг иккинчи томонини ўз ичига олувчи бошқа жараён ривожланди¹¹.

Молия вазирлиги қошида ташкил қилинган буржуа кенгаш ташкилотлари - Мануфактура ва Савдо-сотик кенгаши муассасалари саноат ривожланишини рағбатлантириш чора-тадбирлари сирасига кирди.

⁹ Корнилов А. А. Курс истории России XIX века. М., 1993. С. 72-73.

¹⁰ Захарова Л. Г. Самодержавие и отмена крепостного права в России. 1856 – 1861. М., 1984. С. 34.

¹¹ Киняпина Н. С. Политика русского самодержавия в области промышленности (20 – 50-е годы XIX века). М., 1968. С. 55-57.

Капиталистик мануфактураларнинг муҳим даражада ўсиши машиналаштирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун объектив шароитлар етилишининг энг муҳим кўрсаткичлари бўлди¹².

Россияда ва шунингдек, Ғарбда ҳам саноат ишлаб чиқарилишида мануфактураларнинг пайдо бўлиши феодализм даврга бориб тақалади. Феодализм даврида ижтимоий кучларни келажакда қайтадан гуруҳлашни ўзида кафолатловчи мануфактура ишлаб чиқарувчи кучнинг энг юқори чўққиси бўлди.

Капиталистик мануфактура ички бозорнинг кенгайишига муҳим даражада туртки берди. Арзон товарлар ишлаб чиқариш мануфактура маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжни қўлга киритишнинг энг муҳим курали бўлди. Ва бу жараёнлар янги асбоб ва ускуналарни кенг тадбиқ этиш, айрим ишчилар малакасини ошириш ва ишчи кучларини қўпол равишда эксплуатация қилиш, муттасил равишда меҳнат тақсимооти ҳисобига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўли билан амалга оширилди. Бирок капитализм ривожланишининг маълум босқичларида бозор талабларининг ўсиши жараёнида мануфактураларнинг таянчи сифатида қўл меҳнатининг сақланиши, жамғарма тўплаш ва қўшимча қийматга эга бўлиш сингари капиталистик ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий қонунниятларига таъсир қилиш учун тўсқинлик қилди. Мануфактура капитализми шароитида техникаларни кенг тадбиқ этиш доираси анчагина тор эди. Машиналаштирилган техникаларнинг ва янги ташкилий шаклларнинг жорий қилиниши капиталистик ишлаб чиқариш учун объектив зарурият бўлиб, муқаррар кескин ўзгаришлар ясайдиган вақт етиб келди. машиналаштирилган техникаларнинг шарофати туфайли ишлаб чиқаришда қўшимча қийматни ошириш чексиз имконияти юзага келди. корхона эгаси томонидан илк машиналаштирилган техникаларни тадбиқ қилиши ва шу билан бирга ишлаб чиқариш меҳнатини ошириш эвазига товар таннархини тушириб, машиналарни жорий қилишнинг энг муҳим рағбати ҳисобланган ортиқча қўшимча қийматга эга бўлди.

Саноат ишлаб чиқаришида машиналаштирилган техникаларнинг жорий қилишнинг илк жараёнларининг кучайиши, дунё бозорида саноат инқилоби шиддат билан ривожланган Ғарб ривожланган капиталистик мамлакатлари билан Россиянинг бирга бўлиши анча аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири бўлди. Ғарб давлатларининг индустриал иқтисодиёти Россиядан экспорт

¹² Шепелёв Л. Е. Царизм и буржуазия во второй половине XIX века. Проблемы торгово-промышленной политики. Л., 1981. С. 78.

килинадиган техник воситаларга ва ғаллага бўлган талабларини кучайтирди. Россия ташқи савдосида Англия биринчи ўринни эгаллади¹³.

1.2 Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ялпи машиналаштиришга ўтиш ва оғир саноатни техник жиҳатдан тартибини ўзгартиришни кучайтириш.

XIX асрнинг 50 йиллари жаҳон тарихида ва Россия тарихида муҳим ўринни эгаллайди. Айнан мазкур йилларда крепостнойлик тузуми жадал равишда кулашининг ички ва ташқи омиллари батамом етилди¹⁴.

Бу йилларда АҚШ ва Европа капиталистик мамлакатларида саноат тўнтариши тез суръатларда жадаллашади. Мазкур мамлактларда кенг кўламда темир йўл ва буғ кемасозлик қурилишининг бошланиши оғир саноат ва умумий саноат потенциал маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кучайтирди. Бу омиллар иқтисодий тузуми оғир инқирозни бошидан ўтказган Россия империясига кучли таъсир кўрсатди. 50-йилларда дунё капиталистик бозорига чуқур тортилган Россия иқтисодий тузулишида, хўжаликнинг етакчи соҳаларида капиталистик шакллар батамом мустаҳкамланди.

1853-1856 йилларда Россиянинг мағлубияти билан тугаган Қрим уруши халқаро қарама-қаршиликнинг кескин кучайишига олиб келди. Халқ омасининг муросасиз антифеодал курашининг кучайиши, хўжаликнинг янги капиталистик шакллари жорий қилишда кучли иқтисодий ва сиёсий зарурият, Россия ҳукуматига крепостнойлик ҳукуқини бекор қилишга мажбур қилди¹⁵.

Мамлакатда саноат инқилобининг зўрайиши саноат ишлаб чиқаришида техник ва ташкилий ўзгаришларга сабаб бўлибгина қолмасдан, чуқур ижтимоий кескин ўзгаришларни чақирди.

XIX асрнинг ўрталарида дунё микёсида содир бўлган саноат инқирози жараёнлари ислоҳатгача бўлган Россия саноат иқтисодиётининг ривожланган тармоқларини чуқур чулғаб олди. Крепостной мануфактуралардан фарқли равишда ёлланма меҳнат шакллариининг қўлланиши ва унинг юқори маҳсулотдорлиги бир мунча кўпроқ кузатилган тўқимачилик саноатининг етакчи соҳаларида машиналаштирилган техникаларни ялпи равишда тадбиқ қилиш бошланди¹⁶.

¹³ Семёнов Л. С. Россия и Англия. Экономические отношения XIX века. Л., 1975. С. 177.

¹⁴ Захарова Л. Г. Самодержавие и отмена крепостного права в России. 1856 – 1861. М., 1984. С. 44-45.

¹⁵ Литвак Б. Г. Переворот 1861 года в России: почему не реализовалась реформаторская альтернатива. М., 1991. С. 38.

¹⁶ Рязанов В. Т. Экономическое развитие России: реформы и российское хозяйство в XIX – XX веке. СПб., 1998. С. 88-89.

Ғарб каби бошқа мамлакатларда ҳам ўсиш суръати бўйича бошқа барча тармоқлардан ўзиб кетган янги пахтани қайта ишлайдиган саноат, фабрика кенгайишининг энг муҳим соҳаларидан бўлди. Пахтани қайта ишлайдиган корхоналарда юқори ривожланиш суръатининг энг муҳим омилларидан бири бўлган крепостнойлик меҳнати деярли қўлланилмади. пахтани қайта ишлайдиган саноатларда машаналаштирилган техникаларнинг жорий қилиниши, ишлаб чиқаришнинг бир жойда тўпланиши ва эркин ёлланма меҳнатнинг қўлланилиши туфайли феодал-крепостной монополияси кишанлаб қўйган бошқа тармоқларга қараганда ўзининг устунлигига эга бўла бошлади. Пахтани қайта ишлайдиган корхоналарни тез фурсатлар билан машиналаштириш учун, Англияда 1842 йилда машиналаштирилган техникаларни четга олиб чиқишга рухсат берилгандан кейин Россия корхона эгалари томонидан инглиз машиналаштирилган илғор техникаларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этди¹⁷.

Пахта қайта ишлаб чиқариш саноатининг энг фойдали тармоғи бўлган ип йиғириш соҳаси йирик фабрик ишлаб чиқаришни юзага келтиришда энг юқори тараққиёт чўққисига эришди. 50-йилларда Россияда ип йиғириш тармоғини машиналаштириш ўзига хос шиддат билан амалга оширилди.

XIX асрнинг ўрталарида россия ип йиғириш фабрикаларининг ўзига хос муҳим хусусиятлари ишлаб чиқаришнинг бир жойда тўпланишини бир мунча аниқ намоён қилди.

Тобора кучайиб бораётган капиталистик рақобат ўша даврда Россияда ип йиғириш ишлаб чиқаришини бир жойга тўплашни кучайтиришнинг энг муҳим сабабларидан бўлди. замонавий такомиллашган машина техникаларига эга бўлган йирик фойда олувчи рақобатбардош корхоналаргина ўзларини тутиб турдилар. 60 - йилларнинг бошида кўпгина майда ип йиғириш корхоналари рақобатга бардош беролмасдан ўзларининг фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлдилар¹⁸.

Кўпгина фабрикалари акциялаштирилган ва катта фойда берган Петербург пахтани қайта ишлаш саноати айниқса шиддат билан ривожланди.

Петербург ип йиғириш ишлаб чиқаришини юқори даражада механизациялаштириш, мамлакатнинг бошқа саноат марказларига қараганда 2-2,5 марта кўп бўлган унумли меҳнатнинг юқори бўлишини таъминлади. 50-йилларда Пахтани қайта ишлаб чиқаришни бир жойга тўплаш жараёнида йирик ип йиғириш фабрикаларида тўқимачилик машинлари ва читга гул босиш қурилмаси билан боғлиқ жараёнларни бирга қўшиб олиб бориш авж

¹⁷ Семёнов Л. С. Россия и Англия. Экономические отношения XIX века. Л., 1975. С. 62.

¹⁸ Тарновский К.Н. Мелкая промышленность дореволюционной России. Историко-географические очерки. М., 1995. С. 93-95.

олди. Бирга қўшилган фабрикалар меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва сармоя жамғарилишининг суръатида юқори фойда олиши билан фарқ қилди. Шунингдек, рақобат курашида катта имкониятларга эга бўлди. Машиналаштирилган техникаларнинг ялпи тадбиқ қилдиниши ва бирга қўшилган машина ишлаб чиқариши меҳнат унумдорлигининг ошишида кескин ўзгаришларга олиб келди¹⁹.

1857 йилнинг охирида бош таъсисчи ва акционери бўлган руслашган немис корчалони Л.Г. Кноп томонидан ип йигириш ва тўқимачилик мануфактурасида Кренгольм ширкати таъсис этилди. Фирма 40 йиллардан бери Россия тўқимачилик фабрикалари учун инглиз машина техникаси, асбоб ва ускуналарини етказиб беришни танҳо ўз қўлига олган эди²⁰. Ўша вақтда йирик пахтани қайта ишлаш корхонаси фақатгина Россияда эмас, балки Европада ҳам, дастлаб бошида 1,5 минг от кучи ҳажмида 3 та йирик сув парраги тизими қурилган Нарва шаҳри Нарва шаршараси яқинида 1859 йилнинг охирида барпо қилинди. Шаршарадан ишлаб чиқариш энергетика кучи сифатида фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг паст қийматини таъминлади. Бу бирга қўшилган фабрикада ип йигириш ва тўқиш иккита бўлим фаолият олиб борди. Ип йигириш бўлимида 61,8 мингта машиналашган ип йигириш урчуғи ўрнатилган. Бу ерда йиллик 62 минг пуд йигирилган ип ишлаб чиқарувчи қарийиб бир минг ип йигирувчилар машғул бўлган. Кренгольм ип йигирувчисининг умумий йиллик ишлаб чиқариши миқдори 930 рублга етган ёки умум россия ишлаб чиқаришининг 44 %идан ошган. Иккинчи тўқимачилик бўлимида 800 механик дастгоҳи ўрнатилган. Унда тахминан 130 минг сурп парчасини ишлаб чиқарувчи 700 нафар ишчи машғул бўлган. Йиллик ишлаб чиқариш миқдори Москва худудидаги фабрикаларда ишлаб чиқариш миқдорининг 20 %дан ошган. Кейинги йилларда бу корхона Россия ҳукумати томонидан таъсисчиларга бериладиган имтиёزلардан кенг фойдаланиб, жумладан, 10 йиллик гильдия тўловларидан озод этиш, бож тўловларисиз асбоб-ускуналарни ва хом-ашёни олиб келиш ва ҳ.к. ҳисобига муттасил равишда кенгайиб борди. 50-йилларда корхоналарни замонавий механизациялаштириш ва буғ энергетикасини кучайтириш асосида реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган Москва саноати худудларидаги пахтани қайта ишлаш корхоналарида ип йигириш фабрикаларининг барқарорлашишида муҳим олға силжиш содир бўлди²¹.

1860 йилда барча пахтани қайта ишлаш саноати ишчиларининг 37 %и Москва вилояти ип йигириш ишлаб чиқаришини эгаллаган, улар россия

¹⁹ Ковнир В. Н. История экономики России. М., 2005. С. 146.

²⁰ Лаверычев В.Я. Государство и монополии в дореволюционной России. М., 1982. С. 205.

²¹ Хромов Н. А. Экономическое развитие России в XIX – XX веках (1800 - 1917). М., 1950. С. 166.

йигирилган ип йиллик маҳсулотининг 24 % гача ишлаб чиқарган. Ўша вақтда мазкур тармоқда банд бўлган ишчиларнинг 22 %ни ташкил қилган петербург ип йигирувчилари йиллик маҳсулот қийматининг 39 %ини ишлаб чиқарган. Бу ўз навбатида керакли юқори техник асбоб-ускуналар билан ва корхонанинг буғ энергияси билан таъминланганлиги билан боғлиқ²².

1861 йилда Россияда барча пахтани қайта ишлаш саноатида тахминан 10 минггача механик дастгоҳлар ўрнатилган. Шу тарзда, москва саноатининг улуши қарийиб 22 %га, Петербург саноатининг улуши эса 39 %гача етган. Механик тўқимачиликнинг доимий равишда тадбиқ қилинишининг бошланиши бу уйда бажариладиган тўқимачилик ишлаб чиқарилиши тизимининг ниҳоясига етганини билдирмади; Уй ишчи-тўқувчиларнинг капиталистик эксплуатацияси бу даврда катта кўламда ўсди. Қўл меҳнати билан Машина меҳнати салмоғининг таққосланиши бўйича, мануфактура капиталисти учун баъзан бозорларда фабрикаларда ишлаб чиқарилган товарларга қараганда бир мунча арзон нархда ўз маҳсулотларини сотиб ва ўша вақтнинг ўзида юқори фойдага эга бўлиб фабрикалар билан муваффақиятли рақобат қилишга имкон берди. Уй капиталистик тизимининг самараси ўлароқ, узоқ вақт тўқимачилик ишлаб чиқарилишида машиналаштирилган тўқимачиликни тадбиқ қилишга кучли халақит қилди²³.

Натижада агар механикаланишган ип йигириш усули пайдо бўлган вақтдаёқ ишлаб чиқаришда ўзининг устунлигини эгаллаган бўлса, механикаланишган тўқимачилик узоқ вақт қўл меҳнатига ўрин бўшатиб берди. Ип газлама маҳсулотларининг қарийиб 80% и қўл меҳнати ёрдамида ишлаб чиқарилди.

50-йилларда ип йигиришни ялпи машиналаштиришнинг бошланиши ип газлама ишлаб чиқариш тармоқларида муқаррар техник ўзгаришни таъминлади. Россия пахтани қайта ишлаш саноатида ип йигиришни механизациялаштириш биринчи навбатда читга гул босиш ишларида машиналаштирилган техникаларни етиштиришни тадбиқ қилишга туртки берди²⁴.

Москва ва Владимир губерниялари Россияда читга гул босиш ва бўйаш марказларидан бўлди. 50-йилларнинг охирларида россиядаги барча тармоққа тегишли корхоналарда ишлаётган барча ишчиларнинг 87 % дан 54 % и бу ерда жамланган бўлиб, улар барча маҳсулотнинг 91%ини ишлаб чиқарганлар.

²² Шепелёв Л. Е. Царизм и буржуазия во второй половине XIX века. Проблемы торгово-промышленной политики. Л., 1981. С. 209.

²³ Киняпина Н. С. Политика русского самодержавия в области промышленности (20 – 50-е годы XIX века). М., 1968. С. 138.

²⁴ Тарновский К.Н. Мелкая промышленность дореволюционной России. Историко-географические очерки. М., 1995. С. 164.

50 - йилларда Россияда читга гул босиш саноатини бир ерда тўплаш жараёни авж олди. Пахтани қайта ишлашда техника инқилобининг бошланиши текстиль саноатининг бошқа тармоқларига инқилобий таъсир кўрсата олмади. Читга гул босишда, ип йигиришда машиналаштирилган техникаларнинг жорий қилиниши билан ишлаб чиқариш салмоғининг кескин ошиши ва кейинчалик эса пахта маҳсулотларига бўлган нархнинг кескин камайиб кетишини келтириб чиқарди ҳамда ички бозорда бошқа барча текстиль маҳсулотларининг ўрнини пахта маҳсулотлари мустақам эгаллаб олишга ёрдам берди. Буларнинг барчаси бошқа тармоқларни ҳам рағбатлантириб, биринчи навбатда механизациялашган ишлаб чиқариш асосида жунни қайта ишлаш тартибини ўзгартириш кучайди²⁵.

Ислохатдан олдинги даврда энг яхши тараққий қилган пахта йигириш ишлаб чиқариши механизацияси билан жун йигиришнинг фарқли томони қисман машиналаштррилган бўлиб, ҳали мустақил тармоққа бўлинмаган эди. Дастлаб бошида механик ишлаб чиқариш дастгоҳи қўл меҳнати билан таққосланганда кам самара бериши капиталистларни жунни қайта ишлаш ишлаб чиқаришини машиналаштиришга унча рағбатлантирмади. Фақатгина буғ двигателларининг жорий қилиниши ишчи машиналарнинг хусусан, машиналаштирилган тўкув дастгоҳларнинг самарасини кескин кучайтирди²⁶.

XIX асрнинг 50-йилларида пахта ва жунни қайта ишлаш саноатида машиналаштиришнинг тараққий этиши, узоқ вақт инқирозни бошидан ўтказаётган полотно саноатига катта таъсир қилди. Мазкур йилларда бу саноат тармоғини механизациялаштиришнинг бошланиши билан вазият тубдан ўзгарди. Бу даврда четдан жуда арзон нархда зиғир толасини йигирадиган машинани олиб келишда божларни енгиллаштириш имконияти ва шунингдек, ҳукумат томонидан корхона эгаларига берилган янги молиявий имтиёзлар бунга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, пахтадан ип газлама ишлаб чиқарувчи фабрика эгалари орасида рақобатнинг кучайиши ва бу саноат тармоғида фойда миқдорининг пасайиши, зиғирпоя толасини қайта ишлашга фойдали сармоя тикиш имкониятини берди. 1850 йилда Егорьевск шаҳри Рязан губерниясида корчалон Хлудов томонидан «А., Г. ва Д. Иван Хлудов ўғиллари» фирмаси номи билан фаолият олиб борувчи йирик зиғирпоя толасини қайта ишлаш фабрикасига осос солинди. Бу корхона тайёрлов ва йигирув машиналари тизимини ҳаракатга келтирувчи 80 от кучида ишлайдиган йирик буғ машинаси билан жиҳозланди. Бу ерда 820 нафардан ортиқ киши иш билан

²⁵ Из истории экономической мысли и народного хозяйства России. Вып. 2. М., 1996. С. 237-238.

²⁶ Шепелёв Л. Е. Царизм и буржуазия во второй половине XIX века. Проблемы торгово-промышленной политики. Л., 1981. С. 283.

банд бўлган. 1851 йилда Москвада тадбиркор Н.Д. Мертваго томонидан зиғир толасини қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди. Бу корхона 24 л.с. буғ двигатели билан ускунаганиб, унда 314 нафар крепостной ва 121 нафар ёлланма ишчи иш билан машғул бўлган. Петербург губерниясида Л. Штиглиц томонидан асос солинган, машиналар сув двигатели ёрдамида ҳаракатга келтирилган Нарв зиғир толасини қайта ишлаш корхонаси фаолият олиб борди. Вологод губернияси Лухта дарёси бўйида сотувчилар Люрс ва Рейталар ва Режец уезде Витебский вилоятида катта ер эгаси Яновскийлар ҳам зиғир толасини қайта ишлаш машиналарини ҳаракатга келтиришда сув энергетикасини қўллаганлар. Бу корхоналарда 150 нафар кишилар иш билан банд бўлганлар. 1854 йилда А.В. Брюханов ва А.А. Зотовлар томонидан Костромда 700 нафар ишчиси билан йирик зиғир толасини қайта ишлаш фабрикасига асос солинди. 1857 йилда А. Ф. Сыромятников и Б.И. Дьяконовлар Костромской губернияси Нерехте шаҳрида 750 нафар ишчи банд бўлган полотно мануфактурасига зиғир толасини қайта ишлаш корхонасини қурдилар. Бу корхона аввал бошида 1848 йилда зиғир толасидан тўқувчилик мануфактураси сифатида асос солинган эди. Йигирилган иплар Англиядан келтирилган, қисман маҳаллий ҳунармандлар қўл меҳнатидан фойдаланилган. Корхона эгалари машиналаштирилган зиғир толасини қайта ишлаш корхоналарини очиш сабабларини, қимматга тушадиган йигирилган ип толаларини хориж таъминотчиларидан маҳрум қилиш заруриятигина уларни шу иш билан шуғулланишга ундаганлигини таъкидлайдилар²⁷. Бу зиғир толасини қайта ишлаш фабрикалари ўша давр учун машиналаштирилган замонавий асбоб-ускуналари билан капиталистик корхоналарнинг тугаганлигини ўзида акс эттирди. Бу корхоналарда тайёрлов машиналари тизимига (тарайдиган, тасмалайдиган, тўғноғич ва б.) эга бўлиб, йигирув бўлимида 60 л.с.да иккита буғ машинаси билан ҳаракатга келувчи, 5420 та урчуғи билан 37 та ип йигирадиган машина ҳаракатда бўлган. полотно тўқув фабрикасида тўртта бўлим яъни тўқув, оқлаш-бўяш, гул босиш ва аппература (газламага маҳсус моддалар билан охириги ишлов бериш) мавжуд бўлган. оқлаш-бўяш бўлимида буғ қозон ишлаб турган; буғ билан қайта ишлаш ишлаб чиқаришни тезлаштирган. Гул босишда ишбоши узатмаси ёрдамида цилиндрли машиналар ишлаган. Аппетурга бўлимида юқори босимда 8 та кучли буғ машинаси ҳаракатда бўлган. ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнида – тўқувчилик қўл меҳнати устун бўлган. тўқувчилик бўлимида 150 та қўл меҳнати ёрдамида ишлайдиган ва 90 та жаккард тўқувчилик дастгоҳлари бўлган. Бундан ташқари, бу фабрикада кўп

²⁷ Цейтлин Е. А. Технический переворот в льнопрядении и начало машинного производства льняной пряжи в России // Тр. Ин-та истории науки и техники. Сер. 2. 1936. Вып. 9. С. 198—208.

сонли уй ишчилари ҳам бўлганки, улар калава ипни чуватиш ишлари билан шуғулланганлар “Нерехта шаҳри камбағал аҳолисининг 120 та оилаларигача, Нерехт ва Костром уездларида эса 900 та тўқув дастгоҳларида тўқиш ишлари билан шуғулланганлар”²⁸.

50-йилларнинг бошида зиғирпоя толасидан ип йигиришни механизациялаштириш билан бир қаторда Россияда машиналаштирилган зиғирпоя тўқувчилиги фабрикаси пайдо бўла бошлади. Москвада зиғирпоя толасидан механизациялашган ип йигириш ускунасига эга бўлган моҳир тадбиркор Н.Д. Мертваго ва Москва яқинидаги Леонов қишлоғида зиғирпоя толасидан ип йигириш мануфактурасининг хўжайини савдогар Спиридоновлар бу фабрикаларнинг хўжайинлари эдилар. С. Тарасовнинг таъкидлашича, мазкур фабрикаларнинг пайдо бўлиши “ватан зиғирпоя толасини қайта ишлаш саноатида тарихий воқеаларни” ўз ичига олди²⁹. 1854 йилда 66 та полотно корхоналаридан (қарийиб 16 нафар ишчига эга бўлган) 10 таси машиналашган тўқув дастгоҳига эга бўлган ва бу ерда ҳам қўл меҳнати тўқувчилиги давом этган. Фақатгина бешта йирик зиғирпоя толаси тўқувчилиги фабрикалари тўла машиналаштирилган. Буларга С.С. Яковлевнинг Ярославл мануфактураси, Л. Штиглицнинг Нарв зиғирпоя толасидан ип йигириш - тўқувчилиги фабрикалари тегишли бўлган.

Полотно саноатидаги техник ўзгаришларнинг боланиши ишлаб чиқаришни бир жойга тўплашни кучайтирди. Шу тарзда, 1864 йилда мазкур тармоққа тегишли 66 та йирик фабрикалардан, буғ ва сув двигателлари билан жиҳозланган тўққизта полотно тўқийдиган корхоналарда асосий ишни бажарувчи 29% и концентрация қилинди ва қарийиб 41% маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Полотно ишлаб чиқариш фабрикалари мануфактура корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича деярли 4,5 марта ва кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг меҳнат самарадорлиги 71,5 %га ошди. Бу 50-йилларнинг ўрталарида полотно саноатида олиб борилган техник тарақиёт яна бир қадам олға силжиганлигидан гувоҳлик беради. Бироқ ислоҳатдан олдинги Россияда зиғирпоя толасини қайта ишлаш саноатини механизациялаштиришда олиб борилган силжишни бўрттириб кўрсатиш ярамайди. Чунки мазкур тармоқ бўйича арзимас меҳнат ҳақи билан уй капиталистик ишининг авж олиши зиғирпоя толаси тўқувчилигини кенг кўламда механизациялаштириш учун халакит қилди. Шунинг учун

²⁸ Статистические сведения о фабриках и заводах, экспонентов, получивших награды на мануфактурной выставке 1861 г. СПб., 1862. С. 7.

²⁹ Тарасов С. Статистическое обозрение промышленности Московской губернии. М., 1856. С. 22.

ислоҳатдан кейинги йилларда ва узоқ вақт мобайнида мазкур тармоқда қўл меҳнати устунлиги сақланиб қолди.

50 – йилларда Россияда жунни қайта ишлаш корхоналарини механизациялаштиришга кам даражада эътибор қаратилди. 1858 йилда Россияда илк бор Москвада ипак тўқиш дастгоҳи жорий қилинди. Қотор корхоналарда буғ двигателлари ўрнатила бошланди. С. Тарасовнинг маълумот беришича, 1853 йилда Москва губернияси пиллачилик саноатида бешта от кучида ишлайдиган тўртта буғ машиналари ишлаб турди³⁰.

Бу йилларда муттасил равишда пиллачилик саноатида чийратиш ва ип ўрашни машиналаштириш ишлари бошланди. 1861 йилга келиб, пиллачилик саноатида тахминан 25 та урчуклари билан 65 та чийратиш машиналари ва 7000 та урчуғи билан пиллани чуватиш учун 125 та машиналар ўрнатилди. Петербург пиллачилик фабрикалари эгалари А. Ниссена, Брискера, Риллялар ва Москва пиллачилик фабрикалари эгалари Кондрашева, Крюкова, Фомичевлар ўз корхоналарини бир мунча замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозладилар³¹. Аммо 60-йилларнинг бошларига келиб Россия пиллачилик саноати фабрика корхоналарининг айримлари қўл меҳнатига асосланган мануфактура ишлаб чиқариш босқичида қолдилар. асосий омма аҳолисининг сотиб олиш қобилиятининг паст даражасида ипак маҳсулотларига унча кўп бўлмаган эҳтиёж, мазкур тармоққа техник таракқиёт учун зарур бўлган кўп сармоя тикишга рағбатлантормади.

Шу тарзда XIX асрнинг ўрталарида Россия текстил саноатининг турли тармоқларида энг аввало пахтани қайта ишлаш, жун ва кейинчалик полотно ва қисман пиллачилик саноатинида техник жиҳатдан қайта ўзгартириш ишлари амалга оширилди. Техник машиналаштириш йигирув, гул босиш, чуватиш, чийритиш ва б. каби ишлаб чиқаришнинг турли ёрдамчи кўринишларида бошланди. Ишлаб чиқариш жараёнининг асосий ва сўнгги таркибий қисми бўлган тўқимачилик узоқ вақт қўл меҳнати ишлаб чиқарилиши асосида қолди.

Россия саноатида техник тўнтарилишнинг дастлабки намоён бўлиши ялпи машинада бажариладиган ишлаб чиқарилишни ташкил этиш заруриятини чақирди. Узоқ вақт россия машинасозлиги саноатметаллургия заводлари ва енгил саноат корхоналарида ёрдамчи ишлаб чиқариш сифатида фаолиятлариин олиб бордилар. 50-йиллардан бошлаб темир йўл қурилишининг бошланиши ва кемасозликнинг ривожланиши ҳамда текстил саноатининг ривожлантирувчи талабларнинг ўсиши таъсирида аста-секинлик

³⁰ Тарасов С. Статистическое обозрение промышленности Московской губернии. М., 1856. С. 19-24.

³¹ Исаев Г. С. Роль текстильной промышленности в генезисе и развитии капитализма в России, 1760-1860. Л., 1979. С. 228-231.

билан муситақил машинасозлик корхоналари пайдо бўла бошлади. Ўша йилларда Петербург ва Поволжьеда пайдо бўлган заводлар тарихий аҳамият касб этди.

Россия машинасозлик заводларининг етакчи гуруҳи Петербургда жамланди. Улар баъзида фойдали бўлган давлат буюртмаларини бажариб, ҳукумат томонидан бериладиган субсидия ва имтиёзларнинг ёрдами билан ташкил қилинди. 1860 йилда бу ерда мазкур тармоқнинг барча ишчиларининг 56 %ини ташкил қилувчи 6695 нафар ишчи ходимлар билан 7261 минг сўмга маҳсулот ёки россия механик заводлари томонидан ишлаб чиқарилувчи барча сумманинг қарийиб 91%ини ишлаб чиқарувчи 16 та корхона мавжуд эди. Кемалар, темир йўл учун зарур асбоб-ускуналар, саноат фабрика-заводлари учун буғ машиналари қурилган, кўпдан бери мавжуд бўлган Франца Берда заводи Россияда йирик механик заводлар сирасига кирган.

Россия машинасозлигида майда корхоналар устунликни ташкил қилган. Уларнинг кўпчиллик қисми ўша йилларда қишлоқ хўжалиги машиналарини, лавлагидан қанд ишлаб чиқариш, спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатини жадал ривожлантириш учун машиналашган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарганлар. 1861 йилга келиб қишлоқ хўжалиги машиналари ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича 53 та корхоналар ўз фаолиятини олиб борганлар.

Дастлабки вақтларда Россия машинасозлигида тармоқ тузилишини махсуслаштириш аниқ намоён бўлди: буғ двигателларини ишлаб чиқаришнинг хийла ривожланиши, айниқса қозонсозлик ва оғир транспорт машинасозлиги ва жуда кам миқдорда фабрика-заводлари учун машина ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқарилиши.

50-йилларда машина саноатларида дастлабки йирик илғор тармоқларнинг барқарорлашиши билан саноат тўнтарилишининг бошланиши, саноат капитализмининг таъсири билан боғлиқ бўлди. бироқ оғир саноатда энг муҳим таянч тармоқ ҳисобланган тоғ-кон саноати ислоҳатдан олдинги даврда бу соҳада феодал-крепостнойлик муносабатларининг устун бўлиши натижасида инқироз ҳолатида туришни давом эттирди.

Ҳориж металлининг ялпи импорт қилиниши натижасида тоғ-кон саноати корхоналари хўжайинларини олдинги танҳо эгалигидан маҳрум қилиб, ички бозорда рақобатни кучайтирди. Бу омиллар корчалонлар учун ўз корхоналарида муҳим даражада техник модернизация қилишда катта қизиқиш уйғотишга мажбур қилди. 50-йилларда металлургия ишлаб чиқарилишида техника тараққиёти ялпи темир ишлаб чиқаришни

таъминлаган кенг миқёсда пудлинглашни ривожлантиришни ўзида намоён қилди. В.Я. Кривоноговнинг умумий тўпланган маълумотлари бўйича, 1861 йилга келиб Ўрол тоғ-кон саноатида умумий пайванд темирлари умумий маҳсулотидан пудлинг темирлари давлат заводларида 43,5 %ни, барча хусусий заводларда 51,0% ни ташкил қилди³².

XIX асрнинг 50-йилларига келиб домна печларининг миқдори бор-йўғи 6,4% га чўян эритиш эса 33,4 %га ошди. Бу ҳажмларнинг ўсиши янгитдан жорий қилинган домна печларининг ва буғ машиналарининг ҳаракати асосида эски “иссиқ пуфлаш” технологиси киритилишининг кучайиши билан изоҳланади. темир ишлаб чиқарилиши 30,6 %га кенгайиши билан Темир детал ишлаб чиқарилишида эскириб қолган чўяндан махсус ишлов бериш йўли билан юмшоқ темир печлари ва болғалар ўртача ҳисобда 43%гача таназзули сезилди. Мазкур йилларда Ўрол темир қисмларини ишлаб чиқаришда янги техникаларнинг жорий қилиниши кенг кўламга етди. Бу эса Ўрол металлургиясида техник модернизациялаштиришда муҳим олға силжишдан гувоҳлик беради.

Аммо янги технологицияларни жорий қилиш ҳамма жойда ҳам барабар эмас эди. 128 та фаолият олиб борган ўрол пудлинглаш заводларидан 35 та корхоналардагина янги технологиялар жорий қилинди. пудлинг усули ёрдамида темир ишлаб чиқарилган Камско-Воткинский заводи давлатга тегишли 24 та корхоналар орасидан етакчилардан бири эди. ўша вақтда Гороблагодатский округи давлат заводларининг кўпчилигида пудлинг темирларининг улуши бор-йўғи 11 %га етган. Бу ерда эски крич темир ишлаб чиқарилиши устун бўлган. Демидова Нижнетагиль заводлари гуруҳи қора металлургия замонавий техник янги иш қуроллари таъминланиш бўйича биринчи ўринни эгаллади. 50-йилларда Марказий Нижнетегиль заводида “чўян ўт ёқиш механизми”, “юқори темир труба билан газ қайтаргич печи” ва бошқа такомиллашган қурилмалар қурилди.

Мазкур даврда нижнетагил гуруҳи заводлари орасида техник жиҳатдан керакли асбоб-ускуналар ва машиналар билан яхши таъминланган, 1848 йилдан темир ишлаб чиқаришда пудлинглаш жорий қилинган Нижнесалдин заводи ажрилиб чиқади. 50-йилларнинг ўрталарида Россия заводи техникаларида йирик воқеа бўлган, мазкур районда дастлаб ўрол заводлари орасида юқори сифатлилиги билан ажралиб турувчи темир йўл рельсларини ялпи чиғирлаш ишлари амалга оширилди. Нижнетагил заводларида темир йўл ишлаб чиқарилишида янги техникаларнинг жорий қилиниши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 194,7 % га ўсишига олиб келди (ўртача умумий

³² Кривоногов В. Я. Становление фабричных методов металлургии Урала в дореформенное время // Вопросы истории Урала. Свердловск, 19170. Вып. 10. С. 17.

ўрол темир ишлаб чиқариши 30,6%га ошишига қарши). 1861 йилда Нижнетагил заводлари пудлинглаш усули билан 97,6%га темир ишлаб чиқардилар. В.Я. Кривоноговнинг маълумотига кўра, 1860 йилда ўрол гуруҳи Кагин, Ревдин, Алапаев ва Сирест сессиялари заводларида 85-90% га пудлинг печларида темир ишлаб чиқарилди³³.

1855 йилдан машҳур рус ихтирочи-металлурги В.С. Пятов дастлаб механик, кейинчалик эса бошқарувчи бўлиб ишлаган Вятской губернияси Холуницких заводларида 50-йилларда металл ишлаб чиқаришда йирик техник такомиллаштириш ишлари амалга оширилди. Хужжатларнинг гувоҳлик беришича, унинг бошқаруви даврида Холуницких заводларида ўша йилларда чинакам техник тўнтарилиш содир бўлди. Чўян ишлаб чиқаришда бир вақтнинг ўзида металл сифатининг яхшиланиши билан суткалик домна печларида чўян эритиш бир неча юз пудга ошди. Темир ишлаб чиқарилишида куб ва кемабоп темир ишлаб чиқаришда ишнинг сифатини яхшилаш учун газ билан пайвандлайдиган печка ихтиро қилинди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Металл қўйиш учун иккита янги печканинг ихтиро қилиниши билан янги чиғирлаш машинаси ихтиро қилинди. Мутахасисларнинг фикри бўйича, кема зирхларини чиғирлаш учун дунё техникасида илк бора чиғирлаш металл ёядиган машинаси амалиётга жорий қилинди³⁴.

Аммо ўша вақтларда ўрол заводларида амалга оширилган техник тараққиёт чекланган хусусиятни касб этди. Яхши томонга тубдан қайта қурилиши учун катта миқдорда сармоя талаб қилучи домна печлари техникасининг ҳолати айниқса қолюқ эди. қимматбаҳо ёғоч кўмир чиқимини учдан бир қисмга камайтирувчи, “иссиқ ҳаво юбориш” технологиясини тажрибали қўлланилиши ва домна печлари газларидан фойдаланиш ўрол заводларида кенг тадбиқ қилинмади. Бу ерда фойдасиз ёғоч ёқилғи асосида ишловчи, совуқ ҳаво юбориш технологияси билан қолюқ ва эски юпқа деворли домна печлари устун ҳолатда эди. Ўрмонларнинг тугаши ва бошқа кўмир тайёрлаш жойларининг қуриб битиши туфайли заводларда ёқилғи таъминотида инқироз вазиятини юзага келтирди. Бунинг натижасида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилиб, металл таннархини кескин равишда ошириб юборди.

Айниқса қора металлургия энергетик тизимида қолюқлик даражаси давом этди. Тоғ-кон заводлари корхоналари энергетикасида буғ двигатели паст ўринни эгаллади. Бу ерда шаршарадан ҳаракатга келадиган ёғоч паррак

³³ Кривоногов В. Я. Становление фабричных методов металлургии Урала в дореформенное время // Вопросы истории Урала. Свердловск, 19170. Вып. 10. С. 21.

³⁴ Техника в ее историческом развитии. М., 1982. С. 124.

эски тизими – мануфактура ишлаб чиқарилиши двигателининг ишлаши давом этиб борди. 1861 йилда Ўрол заводларида 37 минг л.с. завод двигателларининг умумий куч қудратидан фақатгина 2,6 минг от кучи ёки барча қувватнинг қарийиб 7%и буғ машиналарининг улушига тўғри келди³⁵. Академик С.Г. Струмилиннинг ҳисоби бўйича учта йирик Ўрол корхоналари яъни Лысьвенский – 1810 от кучи Ново-Алапаев – 1395 ва Нижний Тагил – 1170 от кучи қора металлургия заводларининг умумий энергетик қуролланиш бўйича яхши таъминотга эга бўлган. Ҳаттоки бу етакчи гуруҳларда ҳам бор-йўғи 370 от кучи ёки умумий куч қувватининг 8,3 % буғ двигателига тўғри келган³⁶. Қуйитагил округи бош бошқарувчиси В.К. Рашетнинг таъкидлашича, барча ўрол заводларида “металлнинг 1/7 қисмини ишлаб чиқарувчи” ва Ўролда техник жихатдан нисбатан етакчи деб ҳисобланган 13 та округ тоғ-кон заводи корхоналари “деярли сув кучи ёрдамида” ишлаган³⁷.

Крепостнойлик ҳуқуқининг устунлиги Ўрол тоғ-кон заводи шунингдек, ислоҳатгача бўлган Россиянинг техник жихатдан қолоқлигининг асосий сабабларидан бири бўлди. Заводларга сан-саноксиз арзон мажбурий ишчи кучи бўлган кишилар мажмуининг бириктирилиши, узоқ вақт мобайнида тоғ-кон заводи хўжайинларига техник такомиллаштиришга катта миқдорда сармоя тикишсиз катта фойда олишни таъминлади. Ўрол крепостной тоғ-кон заводи мануфактура ишлаб чиқаришни қисман механизациялаштирилишига қарамасдан, бу ерда крепостной куллик асоратига тушиб қолган ишчиларнинг қўл меҳнатидан кенг кўламда фойдаланилди.

Тадқиқотларнинг ишончли гувоҳлик беришича, Ўрол тоғ-кон заводлари корхоналарида қисман техник қайта қурилишининг бошланиши (пудлинглашга ўтиш) иқтисодий жихатдан крепостнойлик анъаналари билан бир-бирига мос келмай қўйди. Меҳнатни эксплуатация қилиш методларида айрим ўзгаришларга қарамасдан, барибир маҳсулотнинг баҳоси ва қийматини кескин камайиши меҳнат унумдорлигининг ошиши билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсишини таъминлай олмади³⁸.

Шу тарзда, крепостнойлик тузумининг сақланиши даврида етакчи саноат тармоқларида ишлаб чиқариш техникасини модернизация қилиш борасида олиб борилга барча ҳаракатлар муҳим қутилган натижаларни бера олмади. Россиянинг асосий металлургия базаси – Ўрол тоғ-кон заводи инқироз ҳолатини бошидан ўтказиб турди.

³⁵ Сигов С. П. Очерки по истории горнозаводской промышленности Урала. Свердловск, 1936. С. 87.

³⁶ Струмилин С. Г. Черная металлургия в России и в СССР: Технический прогресс за 300 лет. М.-Л., 1935. С. 222.

³⁷ Цитируется по: Горовой Ф. С. Падение крепостного права на горных заводах Урала. Пермь, 1961. С. 29, 34.

³⁸ Сметанин С. И. Начало промышленного переворота на Урале // Вопросы истории. 1977. № 3. С. 25.

2. БОБ. XIX АСРНИНГ 60-70 ЙИЛЛАРИДА САНОАТ ТЎНТАРИЛИШИ РИВОЖЛАНИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА XIX АСРНИНГ 80-90 ЙИЛЛАРИДА УНИНГ НИҲОЯСИГА ЕТИШИ.

2.1. Транспорт инқилоби муаммолари.

Россияда крепостнойлик тузумининг қулаши янги капиталистик тузумни жорий қилинишининг бошланишига замин яратди. Бундан кейин кўшимча қийматга эга бўлиш ва сармоя жамғариш – капиталистик ишлаб чиқариш объектив қонунларига таъсирни юзага келтирган ёлланма меҳнат тизими мамлакат халқ хўжалиги ривожланишининг асоси бўлди. Бу энг иухим омиллар саноат инқилобини тезлаштиришга ёрдам берди. Ўз навбатида иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ишлаб чиқаришнинг йирик капиталистик саноатига айлана бошлади.

Россияда саноат тўнтариллиши ислохатдан кейинги биринчи ўн йилликда бир меъёрда ривожланмади. Йирик машиналаштирилган индустрия шаклланишининг энг юқори суръати шаҳар марказларидаги етакчи саноатларда кузатилди. Ўша вақтда ўтиш шаклини бошидан ўтказувчи омма орасида, саноат ишлаб чиқарилишининг ривожланиши катта тадриждийлик билан крепостнойликнинг кучли оқибатлари узок сақланиши шароитида ўтди. Катта аста-секинлик билан техник тараққиётни сусайтирувчи, қуллик асоратига солинган қишлоқ ишчиларининг мисли кўрилмаган даражадаги арзон меҳнати билан боғлиқ бўлган уй капиталистик тизими фабрикалари кенг қўламда ёйилди³⁹.

Машиналаштирилган техникани ривожланишининг кучайиши ва меҳнат самарадорлигининг ўсиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий бўлинишини ва тармоқланишда туб ўзгаришларни чақирди. Бу энг муҳим жараёнларда темир йўл транспорти марказий ўринни эгаллади. капиталистик мамлакатларда оғир саноат асосий тармоқларининг кучли ривожланишини тезлаштирувчи кучли омиллар темир йўл ишлаб чиқариш жараёнининг умумий шартлари бўлиб қолди.

Темир йўл ва буғ флотининг муҳим жаражада кенгайишини чақирган транспорт инқилоби, дунё капитализми ишлаб чиқаришида даврий кўтарилишнинг энг муҳим асоси бўлди. Мазкур даврларда халқаро қўламда темир йўл қурилиши асосий капиталистик ишлаб чиқариш ялпи кенгайишининг бош соҳаси бўлди. Қолоқ аграр мамлакатлари қаторига

³⁹ Очерки экономической истории России первой половины XIX в. Под ред. М. К. Рожковой. М., 1959. С. 79-80.

кирувчи ислоҳат даврида бўлган Россияда, капиталистиккача ишлаб чиқариш шаклини барбод қилишни тезлаштирувчи саноат инқилобининг кучли омиллари, замонавий машиналаштирилган индустрияни барпо қилишни кучайтирувчи транспортнинг темир йўл тизимининг жорий қилиниши, ҳақиқатан ҳам замонавий индустриянинг аломати бўлди⁴⁰.

Крепостнойлик ҳуқуқи емирилгандан кейин Россия иқтисодиёти тартибини хўжаликнинг капиталистик шароитларига янгитдан ўзгартириш, ислоҳатдан кейинги биринчи ўн йилликда мураккаб ва узоқ давомли хусусият касб этди. 60-йилларнинг бошида оғир ва енгил саноатнинг деярли барча етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришнинг кескин камайиши сезилди.

1867 йилда чор ҳукумати хусусий темир йўл қурилишини молиялаштиришнинг доимий манбаини юзага келтириш мақсадида, расман давлат бюджети ҳисобидан ажратилган “темир йўл фонди” махсус кредитни ташкил қилди. Лондон ва париж пул бозори судхўрлиги бўйича паст баҳоларда чиқарилувчи, ҳукумат кафолати билан 600 млн. рубл умумий сумма киримиға темир йўл облигацияли заёми уни тўлдиришнинг бош манбаи бўлди. Мазкур фонд маблағи ҳисобига россия ғазнаси айрим темир йўл акцияларини сотиб олди. Темир йўл жамияти бошқарувчиларига ва Таъсичиларға “ёрдам бериб”, турли хил ссудалар, субсидиялар берди, давлат буюртмаларининг камини тўлади, рельсларни сифатли ишлаб чиқариши ва заводнинг кўчма таркиби учун кўшимча ҳақ ажратди⁴¹.

1868-1872 йилларда саноат кўтарилиши даврида Россия темир йўл ишида, ҳамма жойдаги акционерлик таъсисчилиги, кредит экспансияси ва биржа чайқовчилиги билан хориж ссуда сармояларининг ялпи жалб қилиниши чет эл пул бозори конъюктурасига ижобий кўмак берди. Бу давр россия карпитализми тарихига концессия шошма-шошарлиги номи билан кирди⁴². Темир йўл қурилиши давлат маблағини ялпи талон-тарож қилиш аосида чайқовчилик хусусиятини касб этди. Темир йўл жонсараклиги капиталистик корчалонлар – темир йўл “қироллари”, банклар ва хориж сармояси билан ҳамда ҳукумат тўралари ва амалдорлари гуруҳи билан чамбарас боғлиқ бўлган бутун бир йирик мустаҳкам тўдаларнинг пайдо бўлишини келтириб чиқарди.

1861-1880 йиллар давомида темир йўл узунлиги 21 минг чақирим масофаға етиб, 14 мартаға ўсди. Натижада Москва, Болтиқ бўйи, Озов-Қора денгиз ва Ғарбий сингари тўртта асосий бир-бири билан ўзаро боғланган темир йўл тармоқларига бўлинган, Москвада Европа Россиясини марказ

⁴⁰ Соловьёва А. М. Железнодорожный транспорт России во второй половине XIX в. М., 1975. С. 83-84.

⁴¹ Соловьёва А. М. Железнодорожный транспорт России во второй половине XIX в. М., 1975. С. 90.

⁴² Рязанов В. Т. Экономическое развитие России: реформы и российское хозяйство в XIX – XX веке. СПб., 1998. С. 138.

билан боғловчи биринчи тармоқланган темир йўл шахобчалари барпо қилинди. Москва темир йўл шахобчаси Россия темир йўл тармоғининг энг муҳим маркази бўлди. 8 минг км. узунликда 18 та темир йўл қатори унинг таркибига кирди.

Россиянинг Жанубий тоғ-кон саноати ҳудудида темир йўл тармоғини барпо қилиш Россия капиталистик иқтисодиётининг ривожланиши учун ўта муҳим аҳамият касб этди. Жанубий тоғ-кон саноати ҳудудида темир йўл тармоғи бири нечта босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич Қора ва Озов денгизида саноат маркази ва экспорт порти билан Донец ҳавзасини боғловчи дастлабки жанубий темир йўл магистрали қурилиши тугаган XIX асрнинг 60 - ва 70 - йилларида ниҳоясиги етди. 1878 йилда мамлакатнинг умумий темир йўл тармоғи билан Қуйи Днепр бўйи саноат марказини боғловчи Харьков-Николай магистралининг қурилиши тугади⁴³.

XIX аср 60 – йилларининг охирларида темир йўл транспорти Россия юк ташиш айланмасида муҳим ўринни эгаллаб бошлади. Йилдан йилга темир йўлда юк ташиш ўзининг суръати ва ҳажми жиҳатидан илгарилаб кетиб, дарё транспорти иккинчи даражали позицияга сиқиб чиқарди. 1861-1877 йилларда темир йўлда юк ташиш айланмаси 25 мартага ўсди. Дарё тарнспорти эса бор-йўғи 59%ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар мазкур даврда дарё пароходчилигининг нисбатан заиф ривожланганлигидан гувоҳлик беради. Пароходларнинг кўпчилик қисми мамлакатнинг энг муҳим сув йўллари бўлган Волга ва Волж ҳавзаларида тўпланган эди.

Волгада пароходчилик ишларида техникани такомиллаштиришнинг жорий қилиниши, йирик акционерлик компанияларига шошинч товар-йўловчи пароходчилик ривожланишида муҳим позицияни эгаллашга имкон берди. Бироқ, 80-йилларнинг ўрталарига қадар Россия сув транспорти техник тараққиёти, ҳамма жойда дарё пароходлари томонидан фойдаланиладиган ёғоч ёқилғининг кам фойдалилиги туфайли секинлади.

Ислоҳатдан кейинги Россияда биринчи темир йўл тармоғининг барпо қилиниши темир йўл транспорти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоғига айлантирди. Капиталистик ривожланаётган мамлакатларнинг савдо-саноат ҳаёти унинг ташкилий, техника ва иқтисодиёт жиҳатдан ривожланиш даражасига қарам бўлиб қолди.

Темир йўл қурилиши Донбасс кўмир саноатида мисли кўрилмаган даражада авж олишни чақирди. 70-йилларда кўп сонли тоғ-кон саноати ва компанияларига асосланган, юзлаб янги шахталар ва штольняларга асос солинди. 1880 йилга келиб Жанубий тоғ-кон ҳудуди, йиллик 86 млн пудгача кўмир берган 338 та шахталарни ўз ичига олди. 1870 йил билан

⁴³ Соловьёва А. М. Железнодорожный транспорт России во второй половине XIX в. М., 1975. С. 107-108.

таққосланганда тош кўмир ва антрацит (тоғ кўмирнинг энг яхши нави) қазиб олиш ўн йилликда умумроссия кўмир қазиб олишнинг 42,5% га етиб, 5,5 мартага ўсди⁴⁴. Капиталистик рақоботнинг ўсиши билан кўмир ишлаб чиқариш концентрацияси кучайди. Йиллик 6 млн пуд ишлаб чиқариш билан Горловка бекати яқинидаги Корсун каби йирик тош кўмир шахталарининг фаолияти кенгайиб борди. Темир йўл “қироли” С.С. Поляков томонидан бошқарилувчи Жанубий русс тош кўмир саноати жамияти бу даврда энг кудратлилардан бўлди. 1878 йилда 1 млн пуддан ортиқ кўмир қазиб чиқариш билан бир нечта йирик кўмир фирмаларининг улуши бир йилда барча кўмир қазиб чиқариш ҳавзасининг 59% гачани ташкил қилди. 1880 йилда тош кўмир умумий экспортининг 60% ини ташкил қилган темир йўл донец кўмирининг бош истеъмолчиси бўлди.

Ўрол минтақаси иқтисодий ривожланишида 729 чақирим масофани ташкил қилган Перм-Чус-Нижний Тагил-Екатирибург худудларида 1878 йилнинг октябр ойида ҳаракати бошланган Ўрол тоғ-кон темир йўли муҳим роль ўйнади. Бу вақтгача мазкур ўлканинг саноат тараққиётига кескин тўсқинлик қилган ўрта аср дарё оқизиғи ягона юк ташиш воситаси ҳисобланганди. Ўрол темир йўли очилгандан кейинги фаолиятининг дастлабки йилларида ўрол юкининг асосий улуши бу ерга тортила бошлади. Тадқиқотчиларнинг ҳисобига кўра, фақатгина йўл ҳаракатининг дастлабки икки йилида (1879-1880 й.й.) юк айланмаси 5,7 млндан то 11,4 млн пуд билан 2 мартага ўсди, шулардан металл юklarининг солиштирама оғирлиги қарийиб 2 млндан то 6 млн пуд билан 3 мартага ошди⁴⁵. Кейинги йилларда Ўрол йўли юк айланмасининг тараққиёти кучайиб, 1888 йилга келиб 42,8 млн пудга етиб, шулардан тоғ-кон заводи юклари 44 %ни ташкил қилди⁴⁶. Саноат қишлоғи ва шаҳарларининг ўсишига саноат, қишлоқ хўжалиғи ва савдонинг ривожланиши учун катта таъсир кўрсатган Ўрол магистрали Ўрта ва Ғарбий Ўрол тоғ-кон заводи округи билан боғлади.

Йўлнинг қурилиши билан Ғарбий ва Ўрта Ўрол муҳим транспорт маркази ва сибир транзити асосий пунктлари сифатида Екатирибург ва Пермнинг роли муҳим даражада кучайди. Замондошларнинг образли ифодаси бўйича, Перм “Сибирда катта ва кенг эшикка” айланди⁴⁷. Перм транспорт аҳамиятининг кучайиши шаҳарнинг тез фурсатда капиталистик ривожланишининг омили бўлди. Бу ерда асосан транспорт машинасозлиғи

⁴⁴ Бакулев Г. Д. Развитие угольной промышленности Донецкого бассейна. М., 1955. С. 657.

⁴⁵ Сутырин Б. А. Транспорт Урала в период промышленного переворота, 1840 -1880 // Вопросы истории Урала. Свердловск, 1970. Вып. 10. С. 90.

⁴⁶ Мильман Э. М. История первой железнодорожной магистрали Урала, 70-90-е годы XIX в. Пермь, 1975. С. 144.

⁴⁷ Мильман Э. М. История первой железнодорожной магистрали Урала, 70-90-е годы XIX в. Пермь, 1975. С. 158.

корхоналари курила бошлади. Улар орасида 500 нафардан то 800 нафар ишчилар банд бўлган, Любимова, ака-ука Каменский кемасозлик заводлари алоҳида ажралиб турган. Бу ерда фақатгина дарё шатакчи ва йўловчи пароходлари курилибгина қолмасдан, буғ машиналари, тоғ-кон заводлари учун қозонлар ва буғ тегирмони, буғ болғалар, металл ёйдиган катта чигир ва бошқалар ишлаб чиқарилди. Ўша даврдаёқ 600 нафар ишчи ходимлар билан Ўрол темир йўли бош темир йўл устахонаси ишга тушди. Айниқса давлатга қарашли Мотивилихинский замбарак заводи катта аҳамият касб этади. Кейинчалик йирик Ўрол машинасозлик корхоналаридан бирига айланган.

Ғарбий Ўрол тош кўмир саноатининг ривожланиши Ўрол тоғ-кон заводи курилиши билан боғлиқ. Темир йўл очилгандан кейин олти йил ўтгач конларнинг унумдорлиги олдинги даврлар билан таққосланганда 8 мартага ошди ва ўсишда давом этди. Ўрол, Оренбург, Самаро-Златоустов каби темир йўллар тош кўмирнинг асосий истеъмолчилари бўлдилар. 80-йилларнинг охирларида Ўрол темир йўли бир йилда 5 млн пуддан ортиқ тош кўмир, аниқроғи ҳавзада казиб чиқарилган кўмирнинг тахминан 1/3 қисмини сарф қилди. Усоль ва Дедюхин туз саноатида ёғоч ёқилғи ўрнини Кизелов кўмири эгаллади. Березняков сода заводи минерал ёқилғи асосида ишлади. Камский дарё пароходчилиги энг йирик кўмир истеъмолчисига айланди. Ўша вақтда ўрол тоғ-кон саноати металлургия ишлаб чиқарилишида техник тараққиётга халақит берган писта кўмир асосида қолди.

Ўрол темир йўлининг курилиши от-улов транспортини муҳим даражада қисқартириб, унинг кейинги ривожига кескин таъсир кўрсатди. Биринчи навбатдаСибир йўлида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Фақат қишда у темир йўл билан ва “катта ва шошилич бўлмаган юклар” ташишда рақобатлашишда давом эттирди. Йилнинг қолган вақтларида транзит юкларининг катта қисми темир йўл орқали жўнатилган. Ўша вақтда Камский ҳавзасида юк айланмасининг ўсиши билан от-улов транспорти темир йўл ётқизилмаган бошқа жойларда кенгайди. Перм губерниясида Темир йўлда юк ташишнинг тараққий этиши киракашлик касбига жиддий зарар етказди. Перм губернаторининг ахборот беришича, унга ёндош бўлган уездларда темир йўл курилиши билан “киракашлик аста-секинлик билан қисқара бошлади”, “бу касб билан кўп сонли кишилар шуғулланадилар, кўпгина волостларда бу касб умуман тўхтади”. Ўрол темир йўли ҳаракатининг етти йили (1880-1886 й.й.) давомида Перм губернияси микёсида магистрал йўлларида киракашлик балан шуғулланувчи аҳолининг сони 36%га қисқарди⁴⁸. Шунингдек, шошилич юкларни ташишда Ўрол сув транспортида ҳам кескин пасайиш юз

⁴⁸ Мильман Э. М. История первой железнодорожной магистрали Урала, 70-90-е годы XIX в. Пермь, 1975. С. 163-164.

берди. перм губернаторининг 1880 йилда “ожизона” берган маълумотида кайд қилинишича, Чус дарёси бўйича савдогарлик товарларини жўнатиш “деярли бутунлай тўхтатилди”, ҳаттоки, мазкур дарё яқинида жойлашган заводлар эса “юкларни бир мунча фойдали йўл бўлган темир йўл орқали жўнатишни афзал деб билдилар”. Йўл ҳаракатининг дастлабки 5-6 йилида Чус дарёси умумий юк айланмаси қарийиб 2 мартага қисқарди. Агар темир йўл қурилгунга қадар Чус кемалар тўхтайдиган жойига ҳар йили металл юклаш, кемаларни сувга тушириш ва оқизиш ишлари билан шуғулланувчи “кўпгина кишилар оқиб келган” бўлса, йўлдан фойдаланиш бошлангандан кейин олти йил ўтгач, оқизиш касби билан шуғулланувчи кишиларнинг сони 40%дан ҳам камайиб кетди⁴⁹.

Ўрол темир йўли қурилиши Камский хавзасида юкларнинг ҳаддан ташқари кўп тўпланишига олиб келди. Фақатгина 1878-1880 йилларда солиштирма оғирлик 80% га ўсди⁵⁰. Шу тарзда, Ўрол темир йўлининг қурилиши мазкур минтақада капиталистик тараққиётни тезлаштириб, юкларни транспортда ташиш тартибини ўзгартиришга катта таъсир кўрсатди. Ўша вақтда мамлакатнинг европа қисми саноат маркази билан тўғридан-тўғри темир йўл алоқасининг мавжуд эмаслиги, 1896 йилгача мавжуд бўлган россия темир йўли умумий тармоғидан ажралганлиги, Ўрол ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини муҳим даражада секинлатди.

XIX асрнинг 80-йиллари бошларида темир йўл тизимига муносабат 59 та губерния ҳудудини ва Россия Европаси вилоятларини, Жанубий Ўрол, Польша рус қисмининг кенг районларини, Финляндия, Шимолий Кавказ ва Кавказ орти ҳудудларини эгаллаб олди. Темир йўл таъсири доираси Россия Европаси ҳудудининг 45% га етди⁵¹.

Ислоҳат даврида Россияда дастлабки темир йўллар ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлаган юкларни арзон ва тез ташишга имкон берди. XIX асрнинг 70-йилларида от-улов ўрнига темир йўл транспортини жорий қилиш натижасида, тош кўмир ташиш таннари қазиб чиқариш нархи билан таққосланганда деярли 4 мартага, 1893 йилга келиб эса қарийиб 6-7 мартага камайди⁵².

Ислоҳат даврида темир йўл транспорти мамлакатнинг кенг ҳудудига тарқоқланган, ички капиталистик бозор ривожланиши жараёнида кучли омил бўлган ишлаб чиқариш кучларини бирлаштирди ва жипслаштирди. Темир

⁴⁹ Мильман Э. М. История первой железнодорожной магистрали Урала, 70-90-е годы XIX в. Пермь, 1975. С. 166.

⁵⁰ Сутырин Б. А. Транспорт Урала в период промышленного переворота, 1840-1880 // Вопросы истории Урала. Свердловск, 1970. Вып. 90.

⁵¹ Соловьева А. М. Железнодорожный транспорт России во второй половине XIX в. М., 1975. С. 120.

⁵² Менделеев Д. И. Толковый тариф. СПб., 1892. С. 380, 394.

йўлда юк ташишнинг ўсиши буғ транспортига таъсирнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлди.

Шу билан бирга ислохатнинг биринчи ўн йилиги учун хусусиятли тенденция намоён бўлди: темир йўл ўсишига қараганда, товар харакатининг миқдори тез фурсатда ўсди, айниқса мамлакатнинг узок районларида темир йўл юк ташишни қамраб олишнинг аниқ кўрсаткичлари сифатида юкларнинг узок йўл босиши янада тезроқ ўсди.

Темир йўл транспортининг барпо қилиниши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишининг ошиши билан зироатчилик маҳсулотдорлигининг ўсишига таъсир кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги капиталистик тарибини қайта ўзгартиришни тезлаштирди. Ҳорижга ғалла экспорти учун чинакам дарё йўлига айланувчи, мамлакатнинг ички бозори ва Болтиқ ва Қора денгиз экспорт портлари билан марказий ўрта ер денгизи серғалла губернияси билан боғловчи, ғарбий ва жанубий тармоқлар (Риго-Царипин, Либаво-Ромен, Лозово-Севастопол, Жанубий-Ғарбий, Козлов-Воронеж-Ростов ва бошқа) “деҳқончилик капитализми” эҳтиёжлари ҳисоби билан қурилган эди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб ғалла темир йўл юк ташишда асосий товар юклардан бири бўлди.

Ислохат даврида Россия қишлоқ хўжалиги ташқи бозор талаблари билан чамбарчас боғлиқ бўлди. 1862-1879 йиллар мобайнида рус ғалласининг (буғдой, жавдар, сули ва арпа) экспорти 62 млндан то 306 млн рублгача ёки 5 мартага ўсди. Шу билан, 1879 йилга келиб ғалла экспорти Россия экспортининг умумий миқдорининг 56,2 % ини ташкил қилди⁵³. Ғалла экспорти халқаро бозорда Россия фаол савдо балансини бир маромда сақлашда катта роль ўйнади. Ғалла экспорти ҳукумат томонидан мамлакатнинг хонавайрон қилинган деҳқон хўжалигидан олинадиган солиқлар ва қутулиш тўловлари эвазига кучайди. Жавдар ва сули деҳқончилик ғаллалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилишда устунликни эгаллади. янги қисқароқ темир йўл орқали Россия Марказининг Қора ер губернияларидан мазкур даврларда экспорт савдосида икки марта роли ошган “мужицкий” нони балтика портига жўнатилади. Деҳқон хўжаликлари солиқлар ва ўлпонлар юқори бўлган қутулиш тўловларининг оғирлиги туфайли ўзларининг истеъмол даражасини катта миқдорда қисқартириб, маҳсулотларини бозорларда жуда арзон нархларда сотишга мажбур бўлдилар. Расмий ҳисоб-китобларга кўра, 70-йилларда дон маҳсулотларини четга чиқариш биринчиси билан таққосланганда иккинчи

⁵³ Сборник сведений по истории и статистике внешней торговли России. Под. ред. В. И. Покровского. СПб., 1902. Т. 1. С. 105-117.

ярмида киши бошига донларнинг ўртача қолдиғи 16 %га пасайди⁵⁴. Ислохат даврида иқтисодий жиҳатдан хонавайрон бўлган деҳқон хўжаликлари билан кузатилган “очлик” экспорти, майда ишлаб чиқарувчиларни ялпи экспроприациясини (мажбурий тарзда тортиб олиш) кучайтирди.

Ислохат даврида Россияда дастлабки темир йўл тармоқларининг барпо қилиниши билан темир йўл транспорти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳасига айланди. капиталистик ривожланаётган мамлакатларнинг савдо-саноат ҳаёти мазкур соҳани ташкил этиш ва техника ва иқтисодиётини ривожлантириш даражасидан қарам бўлиб қолди. Бироқ, Темир йўл хўжалиги ишлари билан шуғулланувчи концессионерлар томонидан таловчиларча ва тартибсизлигининг мантикий натижасида, 70-йилларнинг ўрталарида темир йўл хўжалигида ўпирилиш намоён бўла бошлади. 52 та акционерлик компаниялари орасида бўлинган Россия темир йўл тармоғи на иқтисодий, на техник ва на эксплуатация қилиш муносабатида ягона бир бутунни ўзида акс эттирмади. Ҳукумат томонидан амалга оширилган текшириш ишлари шуни кўрсатдики, россия темир йўли қурилиш ва темир йўл кўтармаси тури ва станцияси, бекат йўлларида сигнализация ва бошқаларда техник шароитлар бир-биридан фарқ қилар эди. Муҳим транзит йўналишлари техник турли асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг оддий қоидаларини бузиб, темир йўл участкаларидан тузилган. Темир йўл тарифлари тизими соҳасида тўла ўзбошимчалик ҳукм сурди. Бу эса нафақат савдо-саноат гуруҳи доираси ва катта ер эгалари билан қарама-қаршилиқни келтириб чиқарибгина қолмасдан, давлат ташқи савдоси, божхона ва пул-валюта сиёсати билан ҳам кучли зиддиятларни чақирди. Хусусий темир йўлларда 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида авж олган “тариф урушлари” айниқса оғир оқибатларга сабаб бўлди. Кўпгина “давлат жойларида савдо ва саноат ҳаётининг тўғри юришини” доимий бузилишига олиб келди⁵⁵. Шу тарзда, мамлакатнинг капиталистик иқтисодиёти ривожланиши учун салбий оқибатларга эга бўлганлиги учун, хусусий темир йўл қурилиши ишлари бирдан қисқартирилди. 70- йилларнинг охирларидан бошлаб темир йўл хўжалигини марказлаштириш ва давлат назорати остига олиш режасида тубдан қайта ташкил қилиш тўғрисидаги масала жиддий тус олди⁵⁶.

2.2. Тўқимачилик фабрика саноатининг мустаҳкамланиши ва оғир саноат қайта қурилиши муаммолари.

⁵⁴ Сборник сведений по истории и статистике внешней торговли России. Под. ред. В. И. Покровского. СПб., 1902. Т. 1. С. 7.

⁵⁵ Материалы по вопросу о железнодорожных тарифах. СПб., 1881. Ч. 1. С. 10.

⁵⁶ Соловьева А. М. Железнодорожный транспорт России во второй половине XIX в. М., 1975. С. 112-118.

Ислоҳат даврининг бошларида россия текстил саноати бутунлай мануфактура ривожланиш босқичида бўлди. Бу ерда катта миқдорда сармоя жамғарилди ва дастлабки малакали ишчи кучи кадрлар юзага келди. мустақкам ҳимояланган божхона божлари билан бозор муҳтига эга бўлди. Оғир саноат йирик корхоналарга қараганда, тескитель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга киритилган сармоя тез айланди ва бир мунча самарали натижаларни берди. Бу муҳим омиллар катта ва ишончли фойдани таъминлади. Ислоҳат даврида тескитель саноатининг тез ривожланишига имкон берган иқтисодиётнинг бу етакчи тармоғига катта миқдорда ички ва хориж сармоялари жалб қилинди.

Ислоҳат даврининг дастлабки ўн йиллигида россия капитализмининг фабрика- заводлар саноати, ҳамма жойда майда ишлаб чиқарувчиларни ва қўл мануфактурасини барбод қилиш ва йирик фабрика ишлаб чиқарилиши концентрациясини кучайтириш жараёнида, баъзан такрорланиб турувчи ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш инқирози орқали сакраш йўли билан ривожланди.

Ислоҳат даври Россиясида тескитель саноати тармоқлари орасида илғор пахтани қайта ишлаш ишлаб чиқарилиши етакчи бўлишда давом этди. Ислоҳат даври арафасида 1861 йилда Россиянинг барча муҳим тескитель саноатининг 68%гача ишлаб чиқарувчи, барча тўқимачи-ишчиларнинг 54%дан ортиғи пахтани қайта ишлаш корхоналари тармоқларида тўпланди. 1879 йилда пахтани қайта ишлаш ишлаб чиқарилиши етакчилик позициясини саклашда давом этди: бу ерда барча тўқимачи ишчиларнинг 51% жамланиб, 55,4% тескитель маҳсулотларини ишлаб чиқардилар.

60-йилларнинг ўрталарида АҚШда кукаролик урушининг тугаши билан мамлакатдан пахта-хом ашёсини четга чиқариш ўсди. Гарчи “Кноп ва К^о” савдо уйи бошчилигида йирик пахта йигириш фирмалари пахта калавасига баҳоларни илгаригидек юксак даражада ушлаб турган бўлсаларда, Россия пахтани қайта ишлаш саноатининг ҳолати барқарорлашди.

Ислоҳат даврининг дастлабки йигирма йили пахтани қайта ишлаш ишлаб чиқарилиши бир меъёрда ўсмади.

Марказий саноат районларида уй-капиталистик меҳнати тизимини кенг тадбиқ этилиши, пахтани қайта ишлаш ишлаб чиқарилишини техник жиҳатдан тараққий қилинишини секинлатди. Умумий хулоса қилинса, пахтадан тўқилган газламаларимиз – 1871 йилда расмий умумлаштирилган қисқача маълумотда қайд қилинишича, - тўқувчилик дастгоҳлари механизми муносабатида ва ишларни бажариш тезлиги муносабатида ҳам четга қараганда

такомиллашиш даражаси жиҳатидан ҳали анча узоқда... Россияда машина тўқувчилиги шу пайтгача ҳали кам ёйилган.

Техниканинг паст даражаси ички бозорда пахтадан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг юқори баҳосини барқарор тутиб турди. К.А. Пажитновнинг маълумотларига кўра, 60-йилларнинг иккинчи ярмида Россия пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш суммаларининг маълум миқдорда ошиши, заиф тараққий қилган техника билан боғлиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида эмас, асосан нархларнинг ошиши натижасида содир бўлди⁵⁷.

80-йиллар инқироз ва саноат турғунлиги йилларида деҳқон-хунармандларни хонавайрон қилиш жараёни ва захира меҳнат армиясининг ўсиши билан бир вақтда уй тўқимачилиги сони қисқариши кескин кучайди. 1879-1884 йилларда Никольской мануфактурасида уй ишчиларининг сони 5 минг нафарга яқин таркибни ташкил қилиб, 35%га қисқарди ва кейинги йилларда ҳам тўхтовсиз қисқариб борди.

Ҳаттоки, оғир инқироз шароитида ҳам фабриканинг “қўшимча қисми” бўлган уй ишчиларини эсплуатация қилиш тизими жуда узоқ вақт сақланган. Шунини алоҳида қайл этиш зарурки, расмий статистика мазкур тоифа ишчиларининг сони тўғрисида тўла бўлмаган маълумот берди. Ҳозирги адабиётларда, пахтани қайта ишлаш саноатида фабрика ва “уйда” ишчиларнинг нисбати тўғрисида баъзан Туган-Барановскийнинг камайтирилган ҳисобларидан фойдаланилади⁵⁸.

М.К. Рожковнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, 1880 йилда фақат Москва губернияси пахта газлама саноатида 45,6 мингта тўқиш мосламасини ўз ичига олган. Хусусан, расмий маълумотларда Клинский мануфактура корхоналари тўғрисида маълумот мутлоқо мавжуд эмас. Ўша вақтда бу ерда энг камайтирилган маълумотлар бўйича, уларнинг сони 2 мингга яқин деб ҳисобланган.

М.К. Рожков томонидан Орлов саноат корхоналари бўйича берилган маълумот кўрсаткичлари диққат билан ҳисоб-китоб қилинса, Москва пахта тўқимачилик саноатида қўлда тўқиш мосламасининг анчагина устунлигидан гувоҳлик беради⁵⁹.

Капиталистик рақобат ва ишчи ҳаракат ривожланаётган жараёнда, йирик сармоя билан крепостнойлик сарқитларидан кенг кўламда фойдаланишга қарамасдан, пахтани қайта ишлаш фабрикаларида меҳнатни

⁵⁷ Пажитнов К. А. Очерки истории текстильной промышленности дореволюционной России: Хлопчатобумажная, льно-пеньковая и шелковая промышленность. М., 1958. С. 77.

⁵⁸ См.: Туган-Барановский М. П. Русская фабрика в прошлом и настояще. М., 1938. С. 346.

⁵⁹ Рожкова М. К. Формирование кадров промышленных рабочих в 60-х – начале 80-х годов XIX в.: По материалам Московской губернии. М., 1974. С. 170.

машиналаштириш ва механизациялаштириш тизимини жорий қилишни тақозо қилган объектив жараёнлар кучайди. 1866 йилдан то 1879 йилгача 14 йил давомида, пахтани қайта ишлаш саноатида фабрика-машиналаштирилган ишлаб чиқаришнинг барқарорлашишидаги туб тўнтарилиш, “фабрика” газламаларини ишлаб чиқаришда қўл дастгоҳларининг солиштирма ўлчовлари 3 мартагача пасайишини чақирди. Марказлаштирилган мануфактураларда қўл тўқимачилиги 53%га қисқарди. Н.Я. Маслениковнинг фабрика эгаларининг мануфактура ва савдо Департаментига жўнатилган ведомствлари асосида, “Русс жўғрофий жамияти қайдномаларида” 1869 йилда нашр қилинган, “Россияда фабрика саноатининг ривожланишига доир” батафсил иқтисодий-статистика тадқиқоти бу катта ўзгаришлар тўғрисида гувоҳлик беради. Муаллиф ўзининг хулосаларида, пахтани қайта ишлаб чиқаришнинг барча таркибий қисмларида, ишлаб чиқаришнинг ривожланишида қўл меҳнати устидан машина меҳнати ғалабасининг умумий ҳолатини бермаслиги тўғрисида ўртача яқуний маълумотларни беради. 1866-1879 йилларда Россия Европасида пахтадан ип йигириш, пахта тўқимачилиги ва читга гул босиш фабрикаларида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан пахтани қайта ишлаб чиқаришнинг ўсишини шунингдек, ишчи кучларининг сони ва машиналарнинг (йигирув урчуқлари ва механикалаштирилган тўқув дастгоҳлари) миқдорини намоён қилувчи 14та йиғма статистик жадвал тадқиқотчи учун мазкур ишда бир мунча қизиқарли аҳамият касб этади. Бу даврда ўзининг мустақиллигини йўқотган тўқимачиликнинг косиб-хунармандчилик ишлаб чиқарилиши, капиталистик корхоналарнинг “қўшимчаларидан” бўлди. Рақамларнинг ўсишига қарамасдан, умумий тўқувчилик ишлаб чиқарилиши муносабати бўйича нисбатан қисқарди.

1866-1879 йиллар мобайнида ип йигириш-тўқиш бирга қўшилган фабрикаларда механик тўқув дастгоҳларининг сони 160,3%га ўсди. Ўрта механикалаштирилган тўқув фабрикаларида эса қайд этилган даврда механик тўқув дастгоҳларининг миқдори 422,7%га ошди. Бу эса ўз навбатида мазкур тармоқда кенг кўламда ишлаб чиқариш тартибини ўзгартириш жараёнларидан далолат беради.

1859 йилдан то 1879 йилгача ценз корхоналарида механик тўқув дастгоҳларининг сони 5,6 мартага кўпайди, қўлда бажариладиган тўқувчилик дастгоҳларининг миқдори эса 4,2 % мартага қисқарди⁶⁰.

70-йилларда саноат қишлоқларининг яна ва яна йирик капиталистик ишлаб чиқаришга қарам мураккаб қўшма тизимга тортилиши саноат инқилоби экстенсив ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бўлди.

⁶⁰ Ковнир В. Н. История экономики России. М., 2005. С. 127-128.

Шу тарзда, ислохат даврининг дастлабки ўн йиллигида пахтани қайта ишлаб чиқаришнинг ривожланишида йирик фабрика ишлаб чиқарилишининг барқарорлашиши иккита қарама-қарши жараёнлар билан амалга оширилди: бир томондан, рақобат курашининг кучайиши мустақил мануфактура корхоналарининг ялпи тугатилиши кучайди, бошқа томондан эса, йирик фабрика капитали учун фойдали бўлган уй қарам ишчиларининг қўл меҳнати тизимидан кенг миқёсда фойдаланди⁶¹.

Крепостнойлик сарқитлари билан оғир кечган Россия капитализми ривожланишининг умумий шароитлари, эски қолақ шакл яшовчанлигини ва султ капиталистик ташкилий ишлаб чиқарилишини муҳим даражада таъминлаган ҳаттоки, пахтани қайта ишлаш ишлаб чиқариши саноатининг етакчи тармоқларини ҳам босиб олди. Бу ҳодиса паст энергия билан таъминланган меҳнатда, техник асбоб-ускуналар модернизациясининг заиф суръати ва умумроссия миқёсида ишлаб чиқаришнинг турғунлигида ўз аксини топди.

Ҳориж рақобатчилигидан ҳукумат божхона тарифлари билан муҳофаза қилинган, россия катта саромоя эгалари иш ҳаракатининг заифлиги ва ўта арзон ишчи кучи шароитида корхона ривожланишида жонли меҳнатни имкони борича эксплуатация қилиш ва саноат асбоб-ускуналаридан узоқ фойдаланиш билан боғлиқ экстенсив шаклини афзал билдилар⁶². Бу Россия пахта ип йиғириш ишлаб чиқарилишида ип йиғиришни автоматлаштиришни жорий қилишда узоқ вақт тўхтаб қолишнинг энг муҳим сабабларидан бўлди. Натижада дастлабки ислохат даврида Россия капитализмининг ривожланиши саноат ишлаб чиқарилиши муҳим тенденцияларининг ўсиши, меҳнатни машиналаштирилиш ва энергия билан таъминланиши паст суръатларида текстиль саноати ишчилари сонининг доимий равишда ўсишини юзага келтирди.

1873-1877 йиллардаги инқироз даврида Россия ип йиғириш саноатида ортга кетиш намоён бўлди. Инқироздан чиқиш асосий капитални минимал даражада янгилаш йўли билан, асосан капиталистик ташкилий ишлаб чиқаришнинг экстенсив шакли ҳисобига, энг муҳими жонли меҳнатни имкони борича юқори даражада эксплуатация қилиш билан амалга оширилди⁶³.

Мамлакат пахтани қайта ишлаш ишлаб чиқаришининг 2/3 қисми тўғри келган ва бош текстиль марказлари бўлган Москва бошчилигида Марказий саноат районларида капиталистик ташкилий тузилишининг қолақ шакли

⁶¹ Кирьянов Ю.И. Жизненный уровень рабочих России. (Конец XIX - начало XX в.). М., 1979. С. 163.

⁶² Боханов Л.Н. Крупная буржуазия России. Конец XIX в. - 1914 г. М., 1992. С. 285-286.

⁶³ Барышников М. Н. Политика и предпринимательство в России (из истории взаимодействия в начале XX века). СПб., 1997. С. 238.

устун бўлди. Қолган Польш, Петербург, ва Болтиқ бўйи саноат марказлари Москва текстил марказларига миқдор жиҳатидан бир оз ён бериб, техника ва ташкилий тузилишларини янгилади⁶⁴. Москва ва владимир капитал эгаларидан фарқли равишда петербург фабрика эгалари кучли эҳтиёж сезган арзон ишчи кучи бозорига эга эмас эдилар.

Ғарбий европа мамлакатларидан фарқли жиҳатдан машиналаштирилган ишлаб чиқаришнинг жорий қилиниши фабрика маҳсулотларига нархларнинг кескин пасайиши билан кузатилди. Россияда йирик капитал муҳофаза қилувчи божхона протекционизмининг манфаатларидан кенг миқёсда фойдаланди ва ички бозорда ҳукмронлик қилди. Россияда пахтани қайта ишлаш саноатида машиналаштиришнинг жорий қилиниши маҳсулот таннархини анчагина арзонлаштирди, бироқ ички бозорда нисбатан юқори даражани ушлаб турди⁶⁵.

Ислохат даври йилларида зиғирпоя толасини қайта ишлаш саноатини техник жиҳатдан тубдан ўзгартириш жуда узоққа чўзилди. Агар 1866-1879 йилларда зиғирпоя толасини йигириш ишлаб чиқаришини маханизациялаштиришда механик урчуқларнинг сони 77%га ўсиб, хийла силжиш кузатилган бўлса, асосий ишлаб чиқариш жараёни бўлган зиғирпоя толасини тўқишда эса қўл меҳнати устунлигини давом эттирди. 1879 йилда мануфактура-фабрика туридаги полотно корхоналарида, 2151 та механик ва 7,8 мингга яқин қўл дастгоҳлари ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг таркибий қисмига кирган. Шу тарзда, солиштирма ўлчов миқдори барча дастгоҳларнинг умумий сони бўйича механик дастгоҳлар бор-йўғи 22 %ни ташкил қилган ва ишлаб чиқариш бўйича улар атиги қўл дастгоҳидан 50%га устун бўлган⁶⁶.

Шундай қилиб, XIX асрнинг 60-70 йилларида Россияда текстиль саноати мануфактурадан фабрикага мураккаб ўтиш даврини бошидан ўтказди.

Ислохат даврининг биринчи ўн йиллигида айниқса мамлакатнинг асосий ҳарбий-саноат потенциали бўлган оғир индустрия корхоналарини техник –иқтисодий тартибини қайта ўзгартириш мураккаб кечди. Россия қора металлургия таянч тармоғи учун ишлаб чиқаришда узоқ вақт турғунлик ва колоқлик ҳолати ўзига хос хусусият касб этди.

60-йилларнинг охирларида саккизта катта кўламдаги Ўрол тоғ-кон округлари батамом иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда бўлиб, улар давлат боршқарувига ёки давлат васийлигига берилди. Фақатгина 1870 йилга келиб

⁶⁴ Радциг А. А. Хлопчатобумажная промышленность России. СПб., 1891. С. 43, 46; Кренгольмская мануфактура. Историческое описание. СПб., 1907. С. 51-53.

⁶⁵ Вопросы истории России XIX – начала XX века. Межвузовский сборник. Л., 1983 С. 248-249.

⁶⁶ Из истории экономической мысли и народного хозяйства России. Вып. 2. М., 1996. С. 168-169.

ўрол хусусий заводлари 1860 йилги чўян ишлаб чиқариш даражасига кўтарилди. Темир ишлаб чиқариш бўйича эса 1872 йилда кўтарилиш даражасига эришди. Тоғ-кон саноатида бундай шиддатли кўтарилишга ишлаб чиқаришни замонавий техник қайта ташкил этиш асосидагина амалга ошириш мумкин бўлди. Аммо ўрол завод эгалари ўзларининг бошқарувини сармоя ва рақобатга эмас, эгалик ҳуқуқларига ва монополияга асослаб, ислоҳат даврининг дастлабки ўн йиллигида заводларни техник жиҳатдан қайта янгилаш ишларида деярли ҳеч нарса қилмадилар⁶⁷.

Ислоҳат даврининг илк ўн йиллигида айниқса яшовчан тоғ-кон саноатида феодал-крепостнойлик сарқитлари Россия металлургиясининг техник тараққиётига кучли тўсиқ бўлди.

70-йилларнинг икинчи ярмидан бошаб Россия ҳукумати темир йўл транспорти ва ҳарбий маҳкамаларга тегишли эҳтиёжлар учун ички оғир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида катта куч сарфлади. Давлат хазинасидан ажратиладиган турли хил кўринишдаги кўшимча ҳақ ва субсидияларнинг катта кўлами, 70-йилларнинг бошида 8 та рельс ясайдиган, 5 та паровоз ясайдиган ва 12 та вагонсозлик заводларини ташкил этишга ёрдам берди⁶⁸.

Давлат инстанциясида юқори баҳоларда ва пуллик кўшимча ҳақ бўйича узоқ муддатли давлат буюртмалари асосида, ички пўлат қуйиш ишлаб чиқариши ўсишини барқарорлаштирувчи янги тизим ишлаб чиқилди.

Ислоҳат даврининг дастлабки ўн йилигида россия машинасозлигининг ривожланиши зиддият шаклида кечди. Фабрика-машиналаштирилган рельслар, темир йўл қурилиши саноатини қайта ўзгартириш, бу даврда катта ҳажмда машиналаштирилган асбоб-ускуналарни талаб қилди. Фабрика эгаларининг таъсири остида ҳукумат буғ кучи ёрламида ишлайдиган, текстиль ва бошқа машиналарни божларсиз четдан келтиришга рухсат берди. Ўша вақтда мамлакат машинасозлигини ривожлантиришни такомиллаштириш мақсадида 1861 йилда “Россияда машинасозлик ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари” тасдиқланди. Унга кўра буғ кучи ёрдмида ва суюқлик кучи билан ишлайдиган двигателлар билан фаолият олиб борувчи машинасозлик корхона эгалари, ишлаб чиқариш учун божхона божларсиз зарур миқдорда четдан чўян ва темир ўтказишга рухсат олишлари мумкин⁶⁹.

⁶⁷ Кашинцев Д. А. История металлургии Урала. М., 1939. С. 69.

⁶⁸ Шацилло К.Ф. Государство и монополии в военной промышленности России: Конец XIX в.- 1914г. М., 1992. С. 184-185.

⁶⁹ Рязанов В. Т. Экономическое развитие России: реформы и российское хозяйство в XIX – XX веке. СПб., 1998. С. 256.

1860-1879 йилларда Россияда машинасозлик ва механик заводларнинг шиддатли ўсиши кузатилди. Машинасозлик заводларининг сони қарийиб 2 мартага, ишлаб чиқаришнинг умумлаштирилган баҳоси эса 6,5 мартага ошди⁷⁰.

70-йилларда Россия капиталистик қолоқ ташкиллаштирилган ёқилғи-металлургия ва машинасозлик базалари, аксарият ҳарбий, механик ва махсуслаштирилган темир йўл корхоналари импортнинг ошиши ҳисобига зарур материаллар ҳамда асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига ва хом-ашё билан таъминланишига олиб келди.

Мамлакат машинасозлигини “ёйиш” учун молиявий барқарорлаштиришнинг ҳукумат тизими, давлат буюртмалари ва божхона имтиёзлари натижасида мамлакат саноатининг тарққиёти учун самараси кам ва истикболсиз бўлди⁷¹.

70-йилларнинг охирларида Россия машинасозлик саноатининг паст техник жиҳозланганлиги, улуши мамлакат фабрика-завод ишлаб чиқариши бўғ двигателлари қувватининг умумий 7 %ига тўғри келган бўғ кучи ёрдамида ишлайдиган заиф энергетикада ифодаланди. Унинг заифлигининг асоси мамлакат ишлаб чиқаришида бўғ двигателлари билан паст таъминланишида ўз аксини топди.

Россия капитализми барқарорлашига ўтиш даврида унинг моддий-техник базаси барпо қилинмаган эди. Мамлакатда ишлаб чиқариш воситалари учун ишлаб чиқариш воситаларини яратувчи оғир индустрия фабрика-завод корхоналари етишмади.

Капиталистик иқтисодиётнинг қудратини мужассамлантирувчи жаҳон капитализми оғир саноатининг гуркираб ўсиши шароитида, россия ёқилғи металлургия ва машиносозлик саноатининг ривожланиш суръатининг пастлиги зиддиятларнинг кучайишига олиб келди ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида оғир вазиятларни юзага келтирди⁷².

Буларнинг барчаси Россия капитализми мамлакатнинг ўзида моддий-техника базасини яратиш вазифасини янада олға силжитди.

⁷⁰ Шепелёв Л. Е. Царизм и буржуазия во второй половине XIX века. Проблемы торгово-промышленной политики. Л., 1981. С. 236.

⁷¹ Киняпина Н. С. Политика русского самодержавия в области промышленности (20 – 50-е годы XIX века). М., 1968. С. 259-261.

⁷² Рязанов В. Т. Экономическое развитие России: реформы и российское хозяйство в XIX – XX веке. СПб., 1998. С. 284.

2.3. Саноат инқилобининг якуний босқичи (XIX асрнинг 80-90-йиллари)

XIX аср 80-йилларининг иккинчи ярмида Россияда саноат инқилоби якуний, шиддатли босқичга кирди. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишида туб ўзгаришларни таъминлаган йирик машиналаштирилган саноат батамом ғалаба қозонди. Мазкур тарихий давр, жаҳон капиталистик хўжалиги иқтисодий тизимини чуқур қайта ўзгартириш билан боғлиқ бўлди. Капитализм иқтисодиётида ишлаб чиқариш концентрациясининг ўзига хослиги, йирик капитал устунлиги кучайишининг давом этиши, кескин рақабатчилик кураши ва ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларида монополиянинг ўсиши билан оғир саноат бош ролни мустаҳкам қўлга киритди⁷³.

Саноат даврий инқирози билан жаҳон аграр инқирозини ларза келтирган ва ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун оммавий ишчи ҳаракатлари кучайишининг босими остида Россия капиталистик иқтисодиётнинг кескин ўзгариши йилларида, жаҳон техник тараққиёти муваффақиятларидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва механикалаштириш жараёнини тазлаштирди.

Хориж капиталининг шиддатли босими туфайли ички бозорнинг чекланишини кучайтирувчи ички сармоя жамғарилишининг етишмаслиги, Крепостнойлик сарқитлари билан мураккаблашган саноат капитализми ривожланишида қарама-қаршиликларни келтириб чиқарди⁷⁴.

Темир йўл моддий-техник таъминоти билан боғлиқ оғир саноат етакчи тармоқлари ривожланишида тенгсизлик айниқса кучли намоён бўлди. Мазкур йилларда айниқса кучли оғир саноатнинг муҳим тармоқлари ва металлургия хом-ашё базалари ўртасида узилиш кучли сезила бошланди.

Саноат соҳаси доиралари яқдиллик билан мамлакат металлургия саноатида кечиктирилмасдан божхона ҳимоясини жорий қилиш ва зудлик билан божхона божларисиз импорт металл олиб киришни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилдилар⁷⁵.

Ҳукумат металлургия хом-ашё базасини ташкил қилиш учун мамлакатда тоғ-кон темир йўли тармоғини куриш зарурияти тўғрисида қарор чиқарди⁷⁶.

⁷³ Гиндин И. Ф. Банки и экономическая политика в России (XIX – начало XX в.) .М., 1997. С. 148-149.

⁷⁴ Шепелёв Л. Е. Царизм и буржуазия во второй половине XIX века. Проблемы торгово-промышленной политики. Л., 1981. С. 176-177.

⁷⁵ Витте С. Ю. Воспоминания. Мемуары. М., 2002. С. 133.

⁷⁶ Соловьёва А. М. Железнодорожный транспорт России во второй половине XIX в. М., 1975. С. 257.

80-йилларнинг боши кучли иқтисодий инқироз даврида Россия ҳукумати саноат аҳли доирасининг босими остида, саноат протекционизми кучайиши билан боғлиқ божхона сиёсатини қайта кўриб чиқиш учун амалий чоралар қабул қилишга мажбур бўлди.

1891 йилда кўпгина ҳориждан киритиладиган импорт товарларига юқори божхона тўловлари жорий қилинган ҳимоя тариф тизимининг тасдиқланиши протекционизм сиёсатининг якуни бўлди⁷⁷.

Жанубий тоғ-кон саноати районида темир йўл тармоғининг барпо қилиниши, мазкур ўлка оғир саноати ўсишини барқарорлаштирувчи муҳим омиллардан бўлди.

Ўша вақт учун илғор машиналаштирилган техника ва керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бир нечта ишларни амалга оширувчи саноат тармоғи, йирик давлат буюртмалари ва меҳнатни ҳаддан ошиқ кучайиши мазкур корхоналарга жанубий металлургияда етакчи позицияни эгаллашга замин ҳозирлади. 80-йилларнинг охирларидан бошлаб Жанубий тоғ-кон саноати районида хориж сармоясининг киритилиши кучайди. 1887 йилда таъсис этилган Жанубий-Русс Днепр металлургия жамияти унинг дастлабки ва бир мунча катта самараси бўлди. Россияга ва Варшава пўлат қуйиш заводи жамиятига рельсларни асосий импорт қилувчилардан бири бўлган “Кокериль” йирик бельгия саноат-молия фирмаси унинг бош таъсисчиларидан бўлди. Унинг таркибига катта металлургия ишлаб чиқаришининг барча асосий жараёнлари бирлаштирилган бўлиб, чўян қуйиш, суюқ чўяндан пўлат олиш, пўлат эритиш, пудлинглаш, пўлат ёйиш, металл тахталаш, темир чиғирлаш ва механикалаштириш каби, саккизта бўлим фаолият олиб борди⁷⁸.

Электрик аппаратларининг жорий қилинишини янгиликлар қаторида қайд этиш зарур. Жануб металлургия заводлари учун техник асбоб-ускуналарда турли типдаги ва номутаносиблик хусусиятига эга эди. Қувватли домна печлари ва такомиллаштирилган кокс қурилмаси билан бир қаторда бузилиб-бузилиб, ишдан чиқиш ҳолатида ишлаётган эски асбоб-ускуналар ва домна печлари учраб турди.

Русс ва хориж сармоядорлари Жануб қора металлургиясида замонавий илғор техникаларнинг тадбиқ қилиш билан юқори фойда олишга ҳаракат қилдилар. Ўша вақтдаги арзон ишчи кучлари ишлаб чиқаришни техник такомиллаштириш ва уни модернизациялаштириш ва механизациялаштиришни бир оз секинлаштирди. Натижада жанубий

⁷⁷ Корнилов А. А. Курс истории России XIX века. М., 1993. С. 317.

⁷⁸ Гиндин И. Ф. Банки и экономическая политика в России (XIX – начало XX в.) .М., 1997. С. 277-278.

заводларда кўпгина катта меҳнат талаб қиладиган жараёнларда оғир жисмоний меҳнат устун бўлди⁷⁹.

Саноат инқилоби даврида технологик таракқиётда буғ энергетикасининг жорий қилиниши, металлургия ишлаб чиқаришида, самарадорликни оширишда асосий силжишни юзага келтирган етакчи омиллардан бўлди.

Шу муносабат билан жанубий қора металлургия, 80-90 йилларда сув энергетикаси устунлик бўлишда давом этаётган Ўрол тоғ-кон заводлари корхоналаридан тубдан фарқ қилди.

90-йилларда ўрол тоғ-кон заводлари корхоналарида буғ энергетикасини кучайтириш йўлида энергетика хўжалигини қайта қуриш аниқ намоён бўла бошлади⁸⁰.

90-йилларда ўрол энергетика хўжалиги заводларида электродвигателлар пайдо бўла бошлади. Шундай қилиб, 1890 йилда Мотовилихадаги Перм тўп (замбарак) заводида Россияда илк бор электростанция заводи ишга тушди. Электроэнергетиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши келажакда саноат ишлаб чиқаришини механизациялаштириш учун муҳим аҳамият касб этди. Бироқ ислохатгача бўлган даврда электрлаштириш энг муҳим муваффақиятларга эга бўлмади. XIX асрнинг охирларида саноат энергетикасида буғ двигателлар энг муҳим омиллардан бўлди.

Саноат ва транспортда машиналаштирилган техникалардан фойдаланишнинг авж олиши, тош кўмир саноатини тез фурсатларда ривожланишини рағбатлантирди.

Барча капиталистик мамлакатлар сингари Россия тош кўмир саноати ривожланишининг ўзига хос хусусияти, асосий ишлаб чиқариш жараёнининг колоқ механизациялаштрилганлигида ўз аксини топди. Бунинг оқибатида саноат инқилоби даврида тош кўмир саноатида тоғ ишчиларикатта армиясининг қўл меҳнатидан фойдаланиш, меҳнатни экстенсив эксплуатация қилиш шакли хусусиятли бўлди⁸¹.

XIX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Россия нефть саноати шиддатли ўсишни бошидан ўтказди. Нефть саноат тармоғининг ривожланишини узок вақт тўхтатган, 1864 йилда ҳисобда турган деҳқонларнинг мажбурий меҳнатининг бекор қилиниши ва 1872 йилда ижара тизимида барҳам берилиши, мазкур саноатни капиталистик ўзлаштиришнинг бошланишига муҳим омил бўлди. Шу вақтдан эътиборан табиийки, ишлаб чиқариш

⁷⁹ Кирьянов Ю.И. Жизненный уровень рабочих России. (Конец XIX - начало XX в.). М., 1979. С. 243.

⁸⁰ Барышников М. Н. История делового мира России. М., 1994. С. 267.

⁸¹ Из истории экономической мысли и народного хозяйства России. Вып. 2. М., 1996. С. 234.

кучларининг ривожланишига кучли туртки берган мазкур тармоққа сармоянинг оқиб келиши кучайди⁸².

Қарама-қарши шаклда саноат инқилоби, техникалаштиришда тўла қайта ўзгаришга ва машиналарнинг кенг миқёсда тадбиқ қилинишига олиб келган мамлакат оғир саноатининг таянч тармоқларининг барқарорлашишини мустаҳкамлади.

90-йиллар билан боғлиқ темир йўл қурилишининг юқори чўққиси саноат ишлаб чиқарилиши, биринчи навбатда оғир саноат кўламининг ўсишини таъминлади.

Россия Европасида муҳим иқтисодий районларни ўз ичига олувчи саккизта асосий темир йўл узеллари батамом ташкил топди. Бир мунча ривожланган губерниянинг Марказий саноат районларига хизмат кўрсатувчи Москва узели, Россия темир йўл-транспорти тизимида етакчи ўринни эгаллади. мамлакатнинг етакчи дарё порти ҳисобланган Петербург темир йўл тармоғи бошқа йирик узеллардан бўлди. Петербург саноат райони умумий ишлаб чиқариш самарадорлиги умумроссия ишлаб чиқаришининг умумий қийматининг 12,3 %га етди⁸³.

Мамлакатнинг чекка жойларида давлатга қарашли кенг миқёсда темир йўл қурилиши, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этди. 1891 йилдан йирик Транссибир магистралининг қурилиши кенг кулоч ёзди⁸⁴.

12 та асосий ва ёрдамчи линиялардан ташкил топган бу магистраль 1900 йилга келиб, Россия Европаси ва Узоқ Шарқ ўртасида тўғридан-тўғри алоқа йўлини очди.

Саноат инқилобининг якуний босқичида Россия иқтисодиёти саноатининг ўсиши темир йўл юк ташишда яққол ўз аксини топди. Умуман, 1893-1900 йиллар мобайнида темир йўл товар ҳаракати кўламининг 1/3 қисми саноат юклари, улар орасида ёқилғи-металлургия маҳсулотлари ярмидан кўпроғини ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги юклари бир оз кам, барча ташилган товарларнинг 1/3 қисмини эгаллади⁸⁵.

XIX асрнинг 90-йиллари иқтисодий кўтарилиш йилларида Россия капитализми ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишида катта сакраш содир бўлди. Мазкур даврнинг энг муҳим ўзига хос хусусияти, мамлакат иқтисодий тузилишини сифатли ўзгартирган оғир индустрия мажмуавий

⁸² Дьяконова И. А. Нефть и уголь в энергетике царской России в международных сопоставлениях. М., 1999. С. 246.

⁸³ Соловьёва А. М. Железнодорожный транспорт России во второй половине XIX в. М., 1975. С. 256.

⁸⁴ Вопросы истории России XIX – начала XX века. Межвузовский сборник. Л., 1983. С. 56-58.

⁸⁵ Рязанов В. Т. Экономическое развитие России: реформы и российское хозяйство в XIX – XX веке. СПб., 1998. С. 264.

йирик корхоналарининг ташкил топиши билан боғлиқ, саноат-техника базасининг батамом юзага келиши билан хулосаланади.

ХУЛОСА

XIX асрнинг ўрталарида бошланган Россия саноат инқилоби, оламшумул-тарихий жараёнларнинг таркибий қисмини ташкил қилиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ва ишлаб чиқаришда сифатли олға силжишни амалга оширди.

Капиталистик тартибининг ривожланиши жараёнида етакчи хўжаликларнинг олға силжишлари, шунингдек, жаҳон капитализмининг кучли босими билан боғлиқ, саноат инқилобининг бошланиши олдидан ислоҳатгача бўлган Россияда узоқ муддат мануфактурадан фабрикага ўтишга тайёргарлик бўлиб ўтди. Ички капиталистик бозор ва дастлабки жамғарманинг барпо қилиниши, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда мол-мулкидан маҳрум қилинган кишилар оммасининг пайдо бўлиши, малакали ишчилар контингенти ва ижтимоий меҳнат тақисмотининг юқори даражаси билан мануфактуранинг кенг миқёсда ривожланиши – бу барча омиллар саноат ва транспортнинг етакчи тармоқларида машаналаштирилган ишлаб чиқаришнинг жорий қиоиниши учун дастлабки шарт-шароитларни яратди.

Машиналаштирилган ишлаб чиқариш ривожланишининг асоси, капиталистик корхоналарда оброк тўловчи деҳқонлар орасидан чиққан ёлланма меҳнат ишчилари кўпчилликни ташкил қилган, пахтани қайта ишлайдиган саноатда бошланди. Бу муҳим омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигининг юқори суръатини ва крепостной хўжалик доирасида тез фурсатда ўсган мазкур етакчи саноат тармоғида фойдалиликни таъминлади ва йирик капиталистик фабрикаларнинг тараққиёт шаклини вужудга келтирди.

Мазкур йилларда текстиль саноатининг етакчи тармоқларида машиналаштирилган техникаларнинг ялпи равишда жорий қилиниши бошланди. хориж сармойаси билан боғлиқ саноат ишлаб чиқариши фабрика тартиби қайта қуришининг лидери бўлган, йирик пойтахт саноат буржуазиясининг қудрати кучайди.

1853-1856 йилларда Қрим урушида чор ҳукуматининг ҳарбий обрў-эътиборининг барбод бўлиши натижасида, хўжаликнинг замонавий капиталистик шаклини жорий қилишнинг кучли иқтисодий ва сиёсий зарурияти айниқса кучайди. Чор ҳукумати халқ оммасининг антифеодал кураши кучайишининг босими остида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида бош тўсиқ бўлган крепостнойлик тартиботини бекор қилишга мажбур бўлди.

Енгил ва озик-овқат саноатига қараганда ўсиш суръати қарийиб икки марта юқори бўлган ва асосан оғир индустрия тармоқларининг ўсишига сабаб бўлган ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш, саноат ишлаб

чиқариши тузилишида чуқур сифатли қайта ўзгариш содир бўлди. саноат ва транспорт етакчи тармоқларида саноат инқилобининг ғалабаси натижасида, асосий кўрсаткичлари бўйича жаҳон миқёсидаги капитализм ривожланишининг ўртача даражасига етган йирик капиталистик машиналаштирилган ишлаб чиқариш мустаҳкамланди.

Кўлами жиҳатидан катта бўлган меҳнатни умулаштириш Россияда саноат инқилобининг муҳим аҳамиятга эга бўлган жиддий ижтимоий натижаси бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Асарлар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. Т. VII.

Манбалар

2. Витте С. Ю. Воспоминания. Мемуары. М., 2002.
3. Материалы по вопросу о железнодорожных тарифах. СПб., 1881. Ч. 1.
4. Сборник сведений по истории и статистике внешней торговли России. Под. ред. В. И. Покровского. СПб., 1902. Т. 1.

Тадқиқотлар

5. Бакулев Г. Д. Развитие угольной промышленности Донецкого бассейна. М., 1955.
6. Барышников М. Н. История делового мира России. М., 1994.
7. Барышников М. Н. Политика и предпринимательство в России (из истории взаимодействия в начале XX века). СПб., 1997.
8. Бовыкин В.И. Формирование финансового капитала в России: Конец XIX - 1908 г. М., 1984.
9. Боханов Л.Н. Крупная буржуазия России. Конец XIX в. - 1914 г. М., 1992.
10. Вопросы истории России XIX – начала XX века. Межвузовский сборник. Л., 1983.
11. Гиндин И. Ф. Банки и экономическая политика в России (XIX – начало XX в.) М., 1997.
12. Горовой Ф. С. Падение крепостного права на горных заводах Урала. Пермь, 1961.
13. Дьяконова И. А. Нефть и уголь в энергетике царской России в международных сопоставлениях. М., 1999.
14. Захарова Л. Г. Самодержавие и отмена крепостного права в России. 1856 – 1861. М., 1984.
15. Из истории экономической мысли и народного хозяйства России. Вып. 2. М., 1996.
16. Исаев Г. С. Роль текстильной промышленности в генезисе и развитии капитализма в России, 1760-1860. Л., 1979.
17. Кашинцев Д. А. История металлургии Урала. М., 1939.

18. Кренгольмская мануфактура. Историческое описание. СПб., 1907.
19. Киняпина Н. С. Политика русского самодержавия в области промышленности (20 – 50-е годы XIX века). М., 1968.
20. Кирьянов Ю.И. Жизненный уровень рабочих России. (Конец XIX - начало XX в.). М., 1979. С. 163. Ковнир В. Н. История экономики России. М., 2005.
21. Корнилов А. А. Курс истории России XIX века. М., 1993.
22. Кривоногов В. Я. Становление фабричных методов металлургии Урала в дореформенное время // Вопросы истории Урала. Свердловск, 1970. Вып. 10.
23. Лаверычев В. Я. Государство и монополии в дореволюционной России. М., 1982.
24. Литвак Б. Г. Переворот 1861 года в России: почему не реализовалась реформаторская альтернатива. М., 1991.
25. Менделеев Д. И. Толковый тариф. СПб., 1892.
26. Мильман Э. М. История первой железнодорожной магистрали Урала, 70-90-е годы XIX в. Пермь, 1975.
27. Очерки экономической истории России первой половины XIX в. Под ред. М. К. Радциг А. А. Хлопчатобумажная промышленность России. СПб., 1891.
28. Пажитнов К. А. Очерки истории текстильной промышленности дореволюционной России: Хлопчатобумажная, льно-пеньковая и шелковая промышленность. М., 1958.
29. Проблемы социально-экономической истории России. М., 1971.
30. Рожкова М. К. Формирование кадров промышленных рабочих в 60-х – начале 80-х годов XIX в.: По материалам Московской губернии. М., 1974.
31. Рязанов В. Т. Экономическое развитие России: реформы и российское хозяйство в XIX – XX веке. СПб., 1998.
32. Семёнов Л. С. Россия и Англия. Экономические отношения XIX века. Л., 1975.
33. Сигов С. П. Очерки по истории горнозаводской промышленности Урала. Свердловск, 1936.
34. Сметанин С. И. Начало промышленного переворота на Урале // Вопросы истории. 1977. № 3.
35. Соловьёва А. М. Железнодорожный транспорт России во второй половине XIX в. М., 1975.
36. Статистические сведения о фабриках и заводах, экспонентов, получивших награды на мануфактурной выставке 1861 г. СПб., 1862.

37. Струмилин С. Г. Черная металлургия в России и в СССР: Технический прогресс за 300 лет. М.-Л., 1935.
38. Сутырин Б. А. Транспорт Урала в период промышленного переворота, 1840 -1880 // Вопросы истории Урала. Свердловск, 1970. Вып. 10.
39. Тарасов С. Статистическое обозрение промышленности Московской губернии. М., 1856.
40. Тарновский К.Н. Мелкая промышленность дореволюционной России. Историко-географические очерки. М., 1995. С. 93-95.
41. Туган-Барановский М. П. Русская фабрика в прошлом и настоящем. М., 1938.
42. Техника в ее историческом развитии. М., 1982.
43. Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857-1868). М., 1960.
44. Хромов Н. А. Экономическое развитие России в XIX – XX веках (1800 - 1917). М., 1950.
45. Цейтлин Е. А. Технический переворот в льнопрядении и начало машинного производства льняной пряжи в России // Труды Института истории науки и техники. Сер. 2. 1936. Вып. 9.
46. Шацилло К.Ф. Государство и монополии в военной промышленности России: Конец XIX в.- 1914г. М.. 1992.
47. Шепелёв Л. Е. Царизм и буржуазия во второй половине XIX века. Проблемы торгово-промышленной политики. Л., 1981.